БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

202 (1722) | 11 октябрь, 1960 йил, сешанба | Баҳоси 20 тийин.

Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз пахта тайёрлаш планини бажарди

ЯНГИБОЗОР, 10 октябрь. (Телефон орқали олинди). Областимиз бўйича она-Ватанга 500 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш йўлида олиб борилаётган умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшаётган Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзолари йиллик пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари ортиғи билан бажардилар. 560 гектар ернинг ҳар гектаридан 25,3 центнердан ҳосил кўтарилди.

Колхоз аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинлашиб келаётган пленумини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсадида ўз зиммаларига янги юксак мажбуриятлар олдилар. Улар пленум очилиш кунигача гектардан яна 10 центнердан ҳосил олиш, улуғ байрам — 7 ноябрь кунигача эса гектаридан олинадиган ҳосилни 45 центнерданга етказиш мақсадида янги ғайрат, янги куч билан курашга отландилар.

Юқори Чирчиқ район партия комитети ва район ижроия комитетига

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети КПСС XXI съездининг тарихий қарорларидан руҳланган Юқори Чирчиқ районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 43 йиллигини ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг навбатдаги пленумини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, давлатга икки йиллик план миқдорида гўшт сотиш юзасидан олган мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганликларини зўр мамнуният билан қайд қиладилар.

Район меҳнаткашлари етти йилликнинг иккинчи йил топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашиб, давлатга сут сотиш йиллик планини 124,5 процент, жун сотиш планини 119 процент, тухум сотиш планини 131,9 процент бажардилар.

Районнинг колхоз ва совхозлари давлатга каноп пояси сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини, шунингдек узум сотиш планини ҳам тўла адо этдилар.

Давлатга ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1040 тонна кўп гўшт, 720 тонна кўп сут, 512 минг дона кўп тухум, 161 центнер кўп жун сотилди. Давлатга 85.015 тонна каноп топширилди, ҳар гектаридан ўртача 157 центнердан каноп пояси олинди. Шунингдек 3,951 тонна узум сотилди. Бу — ўтган йилдагидан 1460 тонна кўпдир.

Қорамоллар туёғи йил бошидан бери 7,2 процент, шу жумладан сигирлар 17,7 процент, чўчқалар 12,4 процент, қўй ва эчкилар 5 процент кўпайди.

Районнинг колхоз ва совхозлари чорва молларнинг ем-хашак баъзасини мустаҳкамлаш учун курашиб, 125 минг тонна, яъни уч йиллик план миқдорида — ҳар бир сигир ҳисобига 31 тоннадан силос бостирдилар, дағал хашак тайёрлаш планини 118 процент бажардилар.

Районнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга қўшимча равишда 50 тонна гўшт 15 минг тонна каноп пояси, 650 тонна узум, 650 тонна каноп уруғи сотиш ва бу мажбуриятларни Улуғ Октябрнинг 43 йиллиги кунигача бажариш мажбуриятини олдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Юқори Чирчиқ районининг колхозчиларини, совхозларнинг ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини ва барча меҳнаткашларини эришилган муваффақиятлари билан қизғин табриклайдилар. Ҳамда район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта териш ва тайёрлаш, чорвачиликнинг ҳамма турлари бўйича маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва давлатга сотиш, моллар туёғини ошириш учун бутун кучларини сарфлайдилар, зоотехниканинг прогрессив усулларини бундан буён ҳам ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий этадилар, кузги шудгорни ўз вақтида тамомлайдилар, чорва моллар қишловига ёхши тайёргарлик кўриб, уни намунали ўтказадилар, шунингдек етти йилликнинг учинчи йилида қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада тез ривожлантириш учун зарур шарт-шароитни ҳозирлаб қўядилар, деб ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Сирдарё район партия комитети ва район ижроия комитетига

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети КПСС XXI съезди қарорларидан руҳланган Сирдарё район меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 43 йиллигини ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг навбатдаги пленумини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, давлатга гўшт сотиш икки йиллик планини муддатидан олдин бажарганликларини зўр мамнуният билан қайд қиладилар.

Шунингдек, район колхозлари давлатга сут сотиш йиллик планини муддатидан олдин 124 процент, тухум сотиш планини 154 процент бажардилар.

Давлатга ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 746 тонна кўп гўшт, 650 тонна кўп сут, 302 минг дона кўп тухум сотилди.

Қорамоллар сонини кўпайтириш плани 113 процент, шу жумладан сигирларни кўпайтириш плани 101 процент, чўчқаларни кўпайтириш плани эса 119 процент бажарилди.

Молларни бўрдоқи қилишда Карл Маркс номли, Охунбобоев номли ва Ильич номли колхозлар яхши натижаларга эришдилар. Бу колхозлар давлатга гўшт сотишда икки йиллик планни анча ошириб бажардилар.

Район колхоз ва совхозлари силос бостириш юзасидан олган мажбуриятларини ҳам бажардилар. Маккажўхори кўкпоясидан думбул сўтаси билан 54476 тонна, ҳар бир сигирга 20 тоннадан силос бостирилди, шунингдек, дағал хашак тайёрлаш плани ҳам ортиғи билан бажарилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Сирдарё районининг колхозчиларини, совхозларнинг ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия, совет, касаба союз, комсомол ходимларини ва барча меҳнаткашларини эришилган муваффақият билан табрик лайдилар ва пахта териш ва тайёрлаш, чорва маҳсулотларининг ҳамма турларини етиштириш ва сотиш ҳамда молларни кўпайтириш юзасидан 1960 йил учун олган мажбуриятларини шараф билан бажариш йўлида бутун кучларини сарфлайдилар, бундан буён ҳам мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланадилар, илғор зоотехника усулларини ишлаб чиқаришга изчиллик билан жорий этадилар, кузги шудгорлашни ўз вақтида тугаллайдилар, пухта тайёргарлик кўрган ҳолда чорва қишловини яхши ўтказадилар ва шу билан етти йилликнинг учинчи йилида қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини тез ривожлантириш учун зарур шароитни вужудга келтирадилар, деб ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

Бекобод район партия комитети ва район ижроия комитетига

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети КПСҚ XXI съезди қарорларидан руҳланган Бекобод районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Улуғ Октябрь революциясининг 43 йиллиги ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг навбатдаги пленумини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, давлатга гўшт сотиш икки йиллик планини муддатидан илгари бажарганликларини зўр мамнуният билан қайд қиладилар.

Давлатга 1098,1 тонна ёки ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 619 тонна кўп гўшт сотилди.

Район колхоз ва совхозлари етти йилликнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун курашиб, давлатга жун сотиш йиллик планини 185,4 процент, тухум сотиш планини 185,4 процент, қорақўл тери сотиш планини 147,5 процент, сабзавот сотиш планини 123,9 процент, ковун-тарвуз сотиш планини 155,9 процент бажардилар.

Йил бошидан буён қорамоллар 20,4 процент, шу жумладан сигирлар 9 процент, чўчқалар эса 48,5 процент кўпайди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Бекобод районининг колхозчиларини, совхозларнинг ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия, совет, касаба союз, комсомол ходимларини ва барча меҳнаткашларини эришилган муваффақиятлари билан табриклайдилар ва район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 50 минг тонна пахта териш ва давлатга топшириш, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, дағал хашак тайёрлаш, силос бостириш юзасидан 1960 йил учун олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун кучларини аямайдилар, барча турдаги чорва молларнинг бундан буён ҳам тез ривожланишини таъминлайдилар, чорва қишловига пухта тайёргарлик кўрадилар ва уни намунали ўтказадилар, бундан кейин ҳам мавжуд имкониятлардан янада тўла фойдаланадилар, илғор хўжаликларнинг ва новаторларнинг тажрибаларини дадиллик билан жорий этадилар, шу йўл билан етти йилликнинг учинчи йилида қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини тез ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ҳозирлайдилар, деб ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДА ҲАММАНИНГ КУЧ ВА ҒАЙРАТИНИ БИРЛАШТИРАЙЛИК!

Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги журналистлар билан Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ учрашуви

НЬЮ-ЙОРК, 8 октябрь. СССР Министрлар Совети Раиси ҳузуридаги матбуот группаси хабар қилади:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги Журналистлар уюшмаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессиясидаги совет делегациясининг бошлиғи, СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев шарафига 7 октябрда зиёфат берди.

Уюшма президенти жаноб П. Сандерс уюшма аъзолари номидан Н. С. Хрушчевни қизғин табриклади ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида ишлаётган журналистлар билан учрашишга розилик берганлиги учун унга ташаккур айтди. П. Сандерс бундай деди:

Жаноб Раис,

«Балтика» пароходига Сиз учун таклифнома юборганимизда Сиз бу ерга келганингиздан кейин шунчалик мамнуният билан матбуот конференцияси ўтказурсиз деб ўйламаган эдик. Сиз бизнинг таклифномамизни қабул қилишингиз бизга бирмунча устунлик беради деб хато ўйлаган эканмиз. Бу эса, ўзига хос бир монополия деб талқин қилиниши мумкин бўлиб қолишини энди кўриб турибмизки, Сиз бунга ҳеч қачон рози бўлмаслигингиз муқаррардир.

Шуни айтиб ўтишим керакки, Сизнинг матбуот билан қилаётган муомалангизга энг демократик муомала дейишдан бошқача ном бериб бўлмайди.

Бош Ассамблея сессиясининг мажлисларида Сизни бир неча ҳафта мобайнида кузатиб юриш имкониятига эга бўлганлигимиз ва Сизнинг ҳақингизда кўп гаплар эшитганлигим сабабли матбуот билан Сизда қандайдир умумийлик бор, деб ҳисоблайман. Сизни яхши кайфиятдаги одам дейишади. Лекин, жаноб Раис, кайфиятнинг ўзи биз учун информация манбаидир, шу сабабли бизлар ҳам эл қатори одамлар бўлганлигимиз важидан ҳар қанча объектив бўлишга интилмайлик, ҳиссиётлардан маҳрум эмасмиз. Бизлар каби Сиз ҳам «паблисити»ни яхши кўрасиз, шунинг учун ҳам Сиз бизга ёқасиз.

Лекин биз ҳаммадан кўпроқ Сизни тинч-тотув яшаш идеясининг улуғ пропагандисти деб биламиз. Тотув яшаш идеясини ҳаётий реалликка айлантирган кишилар бўлганлигимиз учун Сизни ўз орамизда хурсанд бўлиб табрикламоқдамиз. Биз турли мамлакатларнинг журналистларимиз, бизларнинг таржимаий ҳолларимиз ҳам хилма-хилдир. Бизлар турли сиёсий эътиқодлардаги кишилармиз. Бизлар жуда кенг ва хилма-хил фикрларни ифодаловчи газеталар ва журналларда ёзиб турамиз ёки радиостанциялар учун ишламоқдамиз. Аммо бизнинг орамизда ўртоқлик руҳи ҳукмрондирки, бундан кўра яхшироқ ўртоқлик бўлиши мумкин эмас. Биз орамизда англашилмовчилик туғдириши мумкин бўлган масалалар устида бахслашиб ўтирмаймиз, шу сабабли, фавқулодда ва кечки мажлислар унчалик кўп бўлмаса, биз шу қийинчиликларнинг сабаби нималигини яхшироқ тушуниб олишга ҳаракат қилиб, кўпинча турли масалаларни ўзаро муҳокама қилиш билан вақт ўтказамиз. Бинобарин, тотув яшаш, эҳтимол, тинчлик учун гарчи жуда қийин проблема бўлса ҳам, аммо биз учун проблема эмас.

Лекин Сиз ҳам, бошқалар ҳам тотув яшаш идеясини турмушга, бутун дунё миқёсидаги турмушга оширишда муваффақиятлар қозона олармикинсизлар, буни биз билмаймиз. Сиз бу мақсадга қандай эриша олур экансиз. Сиз, эҳтимолки, бошқа масалалар билан бир қаторда буни ҳам бизга тушунтириб бера оларсиз, деб умид қиламиз.

Сўзимни тамомлар эканман, менинг талаффузим унчалик ёмон бўлмаса, рус тилида «Хуш келибсиз» деб айтмоқчиман.

Жаноблар, Раис жаноб Никита Хрушчев мана бизга марҳамат қилдилар.

Сўнгра раислик қилувчи Н. С. Хрушчевга сўз беради.

Қизғин қарсаклар билан кутиб олинган Н. С. Хрушчев бундай дейди:

— Уюшма президенти жаноблари! Ҳурматли жаноблар, ўртоқлар, дўстлар!

Сизлар билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ишларини ёритаётган журналистлар билан учрашиб турганимга хурсандман. Мен журналистлар билан тез-тез учрашиб тураман. Сизларнинг касбингиз қийин, лекин олижаноб касб. Матбуот ҳозирги мураккаб дунёда рўй бераётган нарсаларнинг ҳаммасини тўғри тушуниб олишда халқларга ёрдам бериши мумкин. Лекин муайян доиралар матбуотдан ўзларининг ғаразли мақсадлари учун фойдаланадиган бўлсалар, матбуот халқларни йўлдан оздиришга ҳам ёрдам бериши мумкин.

Ҳамма мамлакатлар тинч-тотув яшаш принципларига асосланиб, агрессив ҳаракатлардан воз кечиб ва халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилган ҳолда ҳамкорлик қилишга интилиб, яхши ният билан иш олиб борганлари тақдирда, бошқа масалалар каби бу масалаларни ҳам ҳал қилиш мумкинлигини сизларга исботлаб ўтиришимнинг ҳожати йўқ.

Ҳозирги замон шароитида Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги оддий кўпчилик овоздан фойдаланиб, у ёки бу масалага доир қарорларни бошқа мамлакатларга зўрлаб қабул қилдиришга уриниш бемаънилик бўлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти давлатларнинг мавжуд ҳамма группаларини, Ғарб ҳарбий блокларида аъзо бўлиб турган давлатларнинг ҳам, шунингдек социалистик ва бетараф давлатларнинг ҳам манфаатларини ҳисобга олиб иш қилиш зарур. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иш органларини шунга мувофиқлаштириб тузиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолиятини яхшилашга ёрдам бериши мумкин.

Мен сизларнинг ҳаммангизни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолиятига ёрдам берадиган вазият вужудга келтирмоқ учун ўз қаламларингизнинг кучини, қобилиятларингизни, нуфузингизни ишга солишга чақираман, сизларни ҳаққоний гапларни ёзишга чақираман. Сизлар шундай ҳаққоний гапларни ёзингларки, шу ёзганларингизни ўқиган миллион — миллион кишиларнинг кўзи олдида ҳозирги дунёнинг ва ҳаммамизнинг олдимизда турган проблемаларнинг ҳаққоний ва реал манзараси гавдаланадиган бўлсин.

Илтифотларингиз учун ташаккур. Энди сизларнинг савол ларингизга жавоб беришга тайёрман. (**Қарсаклар**).

«Нейшнл бродкастинг компани» мухбири П. Фредерикнинг саволи. Жаноб Раис! Сиз, Америка Қўшма Штатлари билан Совет Иттифоқи ўртасидаги келишмовчиликлар юмшатилмасдан ҳамда хавотирлик ва ишончсизликлар тугатилмасдан туриб ҳам қуролсизланиш соҳасида олдинга силжишга бирор умид бор деб ҳисоблайсизми?

Н. С. Хрушчев. Менимча қуролсизланиш тўғрисида битимга келиш мумкин деган умиддан воз кечиладиган бўлса, бу умидсизлик жаҳонни янги урушга маҳкум қилиш бўлур эди, тинчлик тўғрисида ўйлаш ва тинч-тотув яшаш шароитини яратиб бериш лозим бўлган одамларнинг ожизлигига тан бериш бўлур эди. Шу сабабли, ҳозир ҳам мен қуролсизланиш тўғрисида битимга келиш мумкин деган умиддамман ва шундай шарт-шароитлар бор деб неча қайталаб айтганман.

Бу шарт-шароитлар ҳозир қанчалик етилганлигини айтиш қийин, чунки Бош Ассамблеянинг бу сессияси Америка халқининг ҳаётидаги «шторм даври» билан бир вақтга тўғри келди. Мен, президент сайловларини назарда тутаётирман. АҚШда ҳозир ҳамма шу билан банд, ҳамма нарса шунга бўйсундирилган, шу сабабли, қуролсизланиш масаласини ҳал қилиш билан шуғулланиш лозим бўлган арбоблар қайси кандидат президентликка сайланиши устидагина бош қотирмоқдалар. Бу ачинарли бир ҳолдир, чунки у ёки бу арбоб президент бўлиши мумкин, бу ҳолнинг халқаро проблемалар учун ҳал қилувчи аҳамияти йўқ, — бу ана шу мамлакатнинг ички масаласи-ку. Хуллас, ҳозир Қўшма Штатларда ҳамма нарса сайловларга бўйсундирилган, биз ҳам бу билан ҳисоблашмогимиз лозим. Лекин бу ўтиб кетадиган ишдир.

Бизнинг фикримиз шуки, тинчликни таъминламоқ учун ҳамма чораларни кўриш, қўл қовуштириб ўтирмасдан, балки тинч-тотув яшаш учун, қуролсизланиш учун, бутун дунёда мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун олиб борилаётган қаттиқ курашни давом эттириб бериш керак. Лекин мустаҳкам тинчлик учун курашдаги асосий вазифа битта, у ҳам бўлса — Қўшма Штатлар президенти жаноб Эйзенхауэр таклиф қилаётганидек, қурол-яроғлар устидан контроль ўрнатиш эмас, балки қуролсизланишнинг ўзидир. Такрор айтаманки, гарчи бу хусусда кўп марталаб гапирган бўлсам ҳам, аммо қуролсизланиш, қурол-яроғларни йўқ қилиб ташлаш урушнинг олдини олишнинг бирдан-бир усули эканлиги, қурол-яроғлар устидан контроль ўрнатиш эса, қурол-яроғни сақлаб қолишнинг ўзи эканлиги ҳаммага равшан ва аён бўлмагунча буни такрорлайбераман. Агар қурол-яроғ гарчи контроль остида бўлса ҳам, сақланиб қола берса, у ҳолда қурол-яроғи бўлганлар ўзлари хоҳлаган пайтда бу қурол-яроғдан агрессив мақсадларда ҳамиша фойдаланишлари мумкин. Шу сабабли, кимки ҳақиқатан тинчлик бўлишини истаса, у қурол-яроғлар устидан контроль ўрнатиш учун эмас, балки қуролсизланиш учун, жуда қаттиқ кенг ва чуқур халқаро контроль остида қурол-яроғларни тугатиш учун курашмоғи лозим.

Шу муносабат билан яна бир масалани ёритиб ўтмоқчиман. Жаноб Макмиллан билан бўлган учрашувим тўғрисида Америка газеталарида берилган хабарни тўғрилаб ўтмоқчиман. Буюк Британия бош министри жаноб Макмиллан билан бўлган учрашувларим ва суҳбатларимнинг натижалари тўғрисида газеталарда берилган хабар унчалик аниқ эмас.

Биз у билан қуролсизланиш тўғрисида, бу масала устида битимга келиш имкониятлари тўғрисида ҳақиқатан ҳам суҳбатлар олиб бордик. Жаноб Макмиллан айтдики, бу масалада шошилмаслик керак, мамлакатлар ўртасида ишонч вужудга келтирадиган яхшироқ шарт-шароит яратмоқ учун фурсат кутиб туриш керак. Шундай қилинганида қуролсизланиш тўғрисида ҳам битимга келиш мумкин бўлиб қолади. Жаноб Макмилланнинг фикрича, ишонч вазиятини вужудга келтирмоқ учун тахминан 5—10 йил ўтиши мумкин, ҳозирча эса, шу масалаларни ўрганиб чиқадиган қандайдир техника-эксперт комиссиялари тузиш яхшироқ бўлур эди. Хуллас, у ер юзидаги кўп ҳашоратлар, шилиқ қуртлар ва секин қимирлайдиган бошқа организмларнинг юриши каби секинлик билан боришни таклиф қилади.

Агар қуролсизланиш масаласи, баъзилар таклиф қилаётганидек, кескинликни юмшатишга ва тинчлик ўрнатилишига боғлиқ қилиб қўйиладиган бўлса, мен сизларга шуни айтишим керакки, масалани бу тахлитда қўйиш товуқ олдин пайдо бўлганми, ёки тухум олдин пайдо бўлганми, деган масала устида бахслашиш каби бир нарса бўлиб қолади. (**Залда кулги**). Товуқ олдин пайдо бўлганми, ёки тухум олдин пайдо бўлганми, деган масала, менимча, ҳозир ҳам ҳал қилингани йўқ. Бинобарин, қуролсизланиш тўғрисида битимга келиш масаласида ишни нимадан бошламоқ керак — ишонч шароити вужудга келтиришдан бошлаш керакми, ёки қуролсизланишдан бошлаш керакми, деб гап сотаберишдан ҳеч бир натижа чиқмайди. Менинг позициям шуки, ишни асосий нарсадан, яъни қуролсизланишдан бошламоқ керак: қурол-яроғларни йўқ қилиб ташлаш, ҳеч кимнинг қуролланишига йўл қўймаслик учун контроль ўрнатиш керак. Шундай қилинганида ҳамма халқлар ўртасида самимий ишонч ва қардошлик муносабатлари бўлиши учун энг яхши шарт-шароит вужудга келтирилади.

Энди мен ишонч вужудга келтириш учун керакли муддат тўғрисида гапирмоқчиман. Агар 5—10 йиллик даврни оладиган бўлсак, (ишонч вужудга келиши учун 5 — 10 йил керак бўлади дейишаяпти) бу нарса Ғарб давлатларининг ўзлари айтаётган гапларга зид бўлиб тушади, чунки улар қуролсизланиш тўғрисидаги битимни жадаллаштириш керак, дейишаяпти. Чунки битимга келиш қанчалик узоққа чўзила берса, атом қуролига ва ракета техникасига эга бўлган мамлакатларнинг сони йилдан-йилга шу қадар кўпая берадиқу, ахир. Атом ва водород бомбалари ва ракеталар билан қуролланган давлатлар қанчалик кўпайиб кетса, қуролсизланиш тўғрисида битимга келмоқ учун яна катта қийинчиликлар туғила беради. Ғарбнинг шу мантиқига кўра, қуролсизланишни тезроқ ўтказиш керак эди, аммо жаноб Макмиллан 5 — 10 йил кутиб туриш керак, деяпти. Бунинг оқибати шу бўладики, ҳозир биз бу тўғрисидаги музокараларни самарасиз музокараларга айлантириб юборишимиз лозим бўлиб қолади. Бундан шу келиб чиқадики, бу музокараларни мен бошлайман-у, менинг, — бобонинг,— набиралари бу музокараларни тамомлаши керак эканда?! (**Залда кулги**). Бу бир-бирига туташиб кетадиган шундай бир реакциякки, унинг қулфатини бутун инсоният тортишга мажбур бўлади.

Шуни айтишим керакки, менинг набираларим кўп, менинг набираларим бобоси босган йўлдан боради, деб умид қиламан, лекин мен, бобо, ҳарҳолда набираларим тинчлик шароитида яшашлари учун, биз тинчликни сақлаб қолганлигимизни эслаб бизга ташаккур айтишлари учун ҳарҳолда уларга бутун меҳнатимни сарф қилмоқчиман.

Раислик қилувчи. Эндиги икки савол бир-бирига ўхшайди, шу сабабли мен бу саволларни сизга биргаликда ўқиб беришга қарор қилдим.

«Нью-Йорк геральд трибюн» газетасининг мухбири Д. Ньюмэннинг саволи. Жаноб Хаммаршельд Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари лавозимида қолиши керакми деган масалани ҳал қилмоқ учун ва сизнинг ижроия органи уч кишидан иборат бўлсин деган таклифингиз тўғрисида қарор қабул қилмоқ учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотида 2—3 овоздан иборат кўпчилик билан қарор қабул қилиш принципига асосланган овозга қўйиш натижаларига Сиз рози бўлурмидингиз?

«Экспрессен» газетасининг ходими Арне Торреннинг саволи. Жаноб Раис, Сиз Бош Ассамблеяда душанба куни сўзлаган нутқингизда, агар бош секретарь истеъфо бермаса, мен мавжуд аҳволдан зарур хулосаларни чиқариб оламан, деб айтдингиз. Жаноб Хаммаршельд ўз лавозимидан кетмаслигини айтиб жавоб берди. Энди Сиз қандай хулосага келганлигингизни, ёки келмоқчи бўлганлигингизни айтиб беролмайсизми?

Н. С. Хрушчев. Бу иккала савол бир-бирига яқин бўлса ҳам, лекин бир-бирига ўхшаш савол эмас.

Жаноб Хаммаршельднинг ўз лавозимидан воз кечмаслиги тўғрисида айтган гапи тўғрисида сўзлаб ўтай. Агар сиз эшитган бўлсангиз, мен ўз нутқимда: Жаноб Хаммаршельд рицарлик ҳислатларига эга бўлиб мардлик қилса, ўз лавозимидан воз кечган бўлур эди, деган эдим. Лекин унинг шундай ҳислатларга эга бўлишига ишонмаган эдим. Жаноб Хаммаршельд бу хусусда менинг ўзи ҳақидаги фикримни тўла исботлаб берди.

Энди масалани 2 — 3 овоздан иборат кўпчилик билан ҳал қилиш хусусида сўзлаб ўтай. Агар сиз айтган қарор 2—3 овоз билан қабул қилинадиган бўлса, агар ҳатто бу масала 99 процент кўпчилик овоз билан қабул қилинган тақдирда ҳам, биз барибир бу қарорга розн бўлмас эдик. Низоли масалаларни ҳал қилишда сиз айтаётган учдан икки кўпчилик овоз билан қарор қабул қилиш принципларн мамлакат ичида ички масалалар — сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалалар ҳал қилинаётганида жуда мақбул бўлади. Лекин биз бу ерда мураккаб халқаро масалани ҳал қилишимиз керак. Бу масалани Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар ҳал қилади. Ахир, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти парламент эмас-ку, бу ташкилот ўз қарори Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган давлатларнинг биттасига ҳам зарар етказмайдиган тарзда масалаларни ҳал қилмоқ учун тузилган халқаро йиғин-ку.

Агар сиз истасангиз, мен бу масалани тағин ҳам дангалроқ қилиб қўяман. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қатнашчилари бўлган давлатларнинг вакиллари миясига: Совет Иттифоқидаги социалистик системани тугатишга қарор қилайлик, деган «идеал» фикр келиб қолди, деб фараз қилайлик. Агар бу қарорни ёқлаб биздан, социалистик мамлакатларнинг вакилларидан бошқа ҳамма овоз берадиган бўлса, бунинг оқибати нима бўлур эди? Биз бунга нима деб жавоб қилур эдик? Биз бунга бундай ҳолларда бизларнинг, русларнинг айтадиган қуйидаги гапи билан жавоб қилган бўлур эдик: «Юришингни қил! Сизлар шундай қарор қабул қилган экансиз, шу қарорингиз билан яшайберинг, биз бўлсак, ўзимизнинг социалистик системамизда яшаб келганмиз ва бундан буён ҳам яшайберамиз. Кимки бизнинг ишимизга тумшуғини суқадиган бўлса, у ҳолда биз, унчалик назокатли бўлмасада, лекин жуда образли иборани айтаётганим учун мени кечиргайсиз, унинг тумшуғига соламиз!».

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Нью-Йорк, 7 октябрь. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессиясидаги совет делегациясининг бошлиғи, СССР Министрлар Советининг раиси Н. С. ХРУШЧЕВ журналистлар билан учрашувда сўзламоқда.

ТАСС нинг махсус фото мухбири В. ЕГОРОВ фотоси. (Сурат фото телеграф орқали қабул қилинган).

(Социалистик мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар номи	Бир кунда	Максум бошидан	Шу жумладан машина терими	Районлар номи	Бир кунда	Максум бошидан	Шу жумладан машина терими
Юқори Чирчиқ	3,03	60,25	45,34	Оққўрғон	1,72	32,72	22,26
Ўрта Чирчиқ	2,34	39,86	16,72	Сирдарё	1,89	32,55	23,70
Чиноз	2,03	38,60	15,63	Оржоникидзе	1,57	28,40	12,00
Қуйи Чирчиқ	2,81	37,36	34,76	Янгийўл	1,83	27,98	13,85
Пискент	1,76	35,86	17,94	Гулистон	1,60	27,24	13,56
Бўка	2,06	33,97	21,98	Янгиер шаҳри	1,67	24,04	15,50
				Бекобод	1,41	24,00	13,17

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДА ҲАММАНИНГ КУЧ ВА ҒАЙРАТИНИ БИРЛАШТИРАЙЛИК!

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

Жаноблар, бу ерда қўйилган масала жуда жиддий масала. Шу сабабли, бу масалага яна тўхталиб ўтмоқчиман. Бу масалани пухта ўйлаб кўришларингизни илтимос қиламан. Империалистик давлатлардан, социалистик давлатлардан ва бетараф давлатлардан иборат бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотида империалистик, мустамлакачи блок мамлакатлари ҳозирча кўп овозга эга. Биз, социалистик мамлакатлар ҳозирги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида озчиликмиз. Лекин бу ўзгарадиган бир ҳолатдир: бугун биз озчилик экамиз, эртага буни мен силарга олдиндан айтиб қўяқолай, сизлар озчилик бўлиб қоласиз. Бинобарин, сизлар ўз қарорларингизни озчиликка зўрлаб қабул қилдирмоқ учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ўзларингизнинг муваққат кўпчилик овозга эга бўлганлигингизни суиистеъмол қилмаслигингиз лозим, чунки, такрор айтаманки, бу парламент эмас. Биз бу ерда у ёки бу мамлакатнинг ички масалаларини муҳокама қилаётганимиз йўқ, балки бошқа давлатларнинг суверенитетини ҳурматлаган ва уларнинг ишларига аралашмаганимиз ҳолда, халқаро масалаларни муҳокама қилмоқдамиз. Буни назарда тутиш ва шунга қараб иш қилмоқ керак. Шундай қилинганида масалани тўғри ҳал этиш мумкин бўлади.

Бундан ташқари сизлардан менинг илтимосим шуки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг структураси тўғрисидаги таклифингизни жиддий ўйлаб кўринглар. Биз Хавфсизлик Кенгашида ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Секретариатида Ғарб мамлакатлари билан бугун тенг миқдорда бизга ўрин берилишини талаб қилаётганимиз йўқ. Биз овозларимизнинг кўпчилик ташкил этишини илтимос қилаётганимиз йўқ, балки фақат ўз ҳиссамизни илтимос қилаётгирмиз.

Жаҳонда уч миллиард аҳоли бор. Социалистик мамлакатларда шу аҳолининг бир миллиарддан кўпроғи яшайди. Демак, бу аҳоли бутун ер юзидаги аҳолининг 1/3 қисмидан знёдроқдир. Лекин биз пасткаш одамлар эмасмиз ва ўз ҳиссамизни граммигача аниқ қилиб тортиб ўтирмаймиз. Биз 1/3 ларозимиз. Империалистик мустамлакачи давлатларнинг аҳолиси ер юзидаги аҳолининг 1/3 қисмидан камроқ, лекин биз уларга: сизларга ҳам учдан бир овоз бўлсин деб айтмоқдамиз. Бетараф мамлакатларда аҳолининг 1/3 қисмидан кўпроғи яшайди, биз уларга ҳам сизларнинг ҳиссангиз ҳам 1/3 бўлсин деб айтмоқдамиз.

Шундай қилинганида, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро ташкилот бўлганлиги учун бу ташкилотда уч группа давлатларнинг ҳаммаси: капиталистик давлатлар — монополистик капитал мамлакатлари, мустамлакачи давлатлар; социалистик мамлакатлар — чинакам эркин дунё мамлакатлари, эркин мамлакатларнинг энг эркини бўлган мамлакатлар ва бетараф мамлакатлар ўз ҳиссасига эга бўлиб қолур эди. Бу мамлакатларнинг ҳаммаси ўз ҳиссасини, ўзига тегишли учдан бир ҳиссани олган бўлур эди. Шу тарика уч группа давлатнинг ҳаммаси учун тенг шароит вужудга келтирилган бўлур эди. Бу эса, масалаларни шундай ҳал қилишга имкон берган бўлур эдики, бунинг натижасида бу қарорлар давлатлар группасининг биттасига ҳам зарар етказмас эди. Хўш, шундай қилиш оқилона бўлмайдими?

Биз имтиёзлар талаб қилаётганимиз йўқ, балки ўз ҳиссамизни талаб қилмоқдамиз, шу ҳиссамизни олишга ҳаққимиз бор.

Агар сизлар ўз кўпчилигингиз билан бизни ўзингизга бўйсундирмоқчи бўлсангиз, ва масалаларни тенг бўлмаган шароитда ҳал этишга мажбур қилмоқчи бўлсангиз, бу билан сизлар бизни ўз манфаатларимизни Бирлашган Миллатлар Ташкилотида овоз бериш йўли билан эмас, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидан четда ҳимоя қилишга, яъни ўз кучимизга, ўз қувватимизга таянишга мажбур қилган бўласиз. Бу эса, ўзларингизга маълумки, муносабатларни кескинлаштиришга олиб боради.

Бизнинг таклифларимиз оқилона негизга асосланган. Биз халқаро кескинликни юмшатишни истаймиз, тинч-тотув яшашни истаймиз, тинчлик ва дўстликни истаймиз. Сизлар бўлсангиз, бизнинг устимиздан ҳукмронлик қилишга, социалистик мамлакатлар устидан ва бетараф мамлакатлар устидан ҳукмронлик қилишга интилмоқдасиз. Бинобарин, сизлар «совуқ урушни» давом эттириш ва муносабатларни кескинлаштириш позициясида турибсиз. Бунинг магизини чақиб кўринглар, жаноблар! Агар сизлар бугун бунинг магизини чақиб кўрмасангиз, ва нотўғри тушунаётган бўлсангиз, буни эртага тушуниб оласиз, деб умид қиламан, чунки бошқа илож йўқ.

Масала шундай бир таҳлитда турибди: ёки биз ўз муносабатларимизни халқаро кескинликни ва «совуқ уруш»ни тугатиш йўлида давом эттира берамиз, тинчликка ва дўстликка интилаберамиз, ёки биз кескинликни янада кучайтириш йўлига тушиб кетамиз, бунинг оқибати нима бўлиши мумкинлигини худо билади, чунки кескинликни ва «совуқ уруш»ни ҳар қандай кучайтириш оловли урушга айланиб кетиши мумкин.

Кимки халқлар ўртасида дўстлик ва тинчлик бўлишини истаса, у фақат ўз мамлакатининг ва ўз мамлакатлари группасининг манфаатларинигина ҳисобга олиб қолмаслиги керак, шу билан бирга у, социалистик мамлакатларнинг, бетараф мамлакатларнинг манфаатларини ҳам ҳисобга олиши лозим.

Биз сизларга ўзимизнинг социалистик тузумимизни зўрлаб қабул қилдирмоқчи эмасмиз. Виждонингиз қандай буюрса, шундай яшайберинглар, лекин бизнинг виждонимиз қандай буюрса, шундай яшашимизга халақит бермаслар. Бетараф мамлакатларга ҳам халақит бермайлик, улар ҳам ўз виждонлари қандай буюрса шундай яшай беришсин.

Биз ўзимизга бошқа давлатлар ҳисобидан ҳеч нарса сўраётганимиз йўқ. Биз ҳамма учун тенг шарт-шароит бўлишигина истаймиз, биз бундан буён ҳам умумий иш учун — бутун дунёда тинчликни таъминлаш учун ишлашни истаймиз.

Канада радиосининг мухбири Стенли Беркнинг саволи. Сиз Ғарб мамлакатларининг Конгодаги асосий мақсади шу мамлакатда бўлган хомашё устидан, айниқса уран устидан контролни сақлаб қолишдан иборат, дедингиз. Катанганинг асосий маҳсулоти бўлган уран жаҳонда ғоят кўп миқдорда мавжудлигини ва катта уран конлари масалан Канадада ёпиб қўйилаётганлиги ҳисобга олинганида, бу гапингизни Сиз қандай қилиб исботлашингиз мумкин?

Н. С. Хрушчев. Сиз, жаноб, мустамлакачилар мустамлакалардаги одамларга бу фоний дунёдан тезроқ воз кечиб, жаннатга тезроқ жўнаб кетишларига ёрдамлашмоқ учун мустамлакаларни босиб олмоқдалар ва одамларни қириб ташламоқдалар, деган ўз тушунчангизни менга қабул қилдирмоқчисиз. **(Залда жонланиш).**

Мустамлакачилар уран учун, кобальт учун бораётирми ёки шайтон, иблис учун бораётирми, бу мен учун мутлақо иккинчи даражали масаладир. Улар мустамлака халқларини таламоқ, шу халқлар ҳисобига бойлик орттирмоқ, қул этилган мамлакатларнинг халқларини қириб ташламоқ учун бораётирлар. Бельгия мустамлакачилари Конгони босиб олган вақтларида Конго аҳолиси 20 миллион кишидан кўпроқ эди, энди бўлса, мустамлакачилар Конгода кўп йил туриб жўнаб кетганларидан кейин бу мамлакатнинг аҳолиси кўпаймади, балки қариб икки баравар камайиб кетди. Сабаб? Хўш, негрлар камроқ бола туғаётгани учун шундай бўлдими? Йўқ. Негрларда кўп бола туғилади, эҳтимолки, ҳатто европаликларга қараганда ҳам уларда кўп бола туғилади. Лекин улар ниҳоят даражада ёмон, инсон шаънига тўғри келмайдиган шароитда солиб қўйилганлар, шунинг учун ҳам уларнинг болалари туғилади-ю, лекин яшамайди, — ўлиб кета беради, болалигида ўлмай қолганлари эса, узоқ яшамайди; улар нормал инсоний шароитда яшаб турган одамлар синфи учун умр кўрмайди. Ёки австрияликларни олиб кўринг. Мана бу ерда жаноб Мензис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ассамблеясида сўзга чиқди. У Австралия қандай забт этилганлигининг, мустамлакачилар Австралияда одамларни бамисоли ёввойи ҳайвонларни ов қилгандай ов қилиб қириб юборганликларининг тарихини гапириб бериши мумкин эди. Улар ерли аҳолининг деярлик ҳаммасини қириб юбордилар. Шуни ҳам «цивилизация» дейишяпти! Халқлар бундай «цивилизация»ни асло унутмайдилар, қул қилувчиларга бўлган нафрат абадий яшайди.

Биз мустамлакачиларнинг сиёсатига қаршимиз. Биз бу сиёсатга қарши жон-дилимиз билан норозилик билдирамиз ва ўз умрини туғатаётган бу лаънати қулдорлик мустамлакачилик тузуми тезроқ йўқ бўлиши учун, ҳамма халқлар эркинлик, мустақиллик олишлари учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўрамиз.

«Коламбиа бродкастинг система» мухбири Р. Хоттелетнинг саволи. Сиз Нью-Йоркда — Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳам, ундан ташқарида ҳам нималарга эришдингиз деб ўйлайсиз?

Н. С. Хрушчев. Ўтинчи ўз меҳнатининг сифатини ва миқдорини муайян ўлчов билан ўлчайди. Илгари руслар буни саржинлаб ўлчар эди, ҳозир бундай ўлчаш йўқ. Илгари мен слесарь бўлиб ишлаганман ва ўз меҳнатимни ўлчайдиган ўзимнинг муайян ўлчовларим бўлар эди. Менинг отам шахтёр эди, — унинг ҳам ўз ўлчови бор эди. Энди мен сиёсий арбоб бўлиб қолганман. Мен ўтинчи эмасман. Тўғриси мен ҳам ўтинчиман, айни вақтда ҳам сиёсатчиман. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида қисқа вақт бўлиш натижасида сарфланган меҳнатимнинг миқдорини ва сифатини қандайдир муайян ўлчов билан ўлчаш, чамамда, мумкин эмас. Бир нарсани айтиб ўтаман, — кимки бизнинг меҳнатларимиз беҳуда кетди деб ўйлайдиган бўлса, у рўй бераётган ҳодисаларнинг ҳаммасини тушунмаган кишидир.

Биз бу ерда яхши уруғлар, тинчлик ва дўстлик уруғлари экдик, ёлғонни фош қилиб ташладик ва ҳақиқат уруғларини экдик. Баъзи бир кимсалар ҳақиқат овозини босиб кетмоқ учун ҳозир ҳар қанча баланд овоз билан бақирса ҳам, барибир бунга овози етмайди. Ҳақиқатни ўлдириб бўлмайди! Ҳақиқат тантана қилиши турган гап. Ҳақиқатнинг тантанасини кўрмоқ учун сабрли бўлмоқ керак.

Биз ҳақиқат учун олиб бораётган курашимизни тўхтатмаймиз, биз бу курашни бошлаб бердик ва давом эттираберамиз. Ғалаба бизнинг томонимизда бўлади. Сизлардан шуни унутмасликни илтимос қиламанки, ёлғоннинг умри қисқа бўлгани учун ҳам ҳақиқат енгиб чиқди; ёлғонни ҳар қанча безаб кўрсатсалар ҳам, фотографлар, кинематографчилар, журналистлар, рассомлар ёлғонни ҳар қанча моҳирлик билан чиройлик қилиб кўрсатсалар ҳам, одамлар ёлғонни тушуниб оладилар, — барибир ёлғоннинг башараси кўриниб турaверади ва одамлар ундан жиркана берадилар, ҳақиқат эса, одамларнинг кўнглини ўзига торта беради. Ҳақиқат сиз билан. Ҳақиқат енгади! **(Қарсаклар).**

Тунис радиосининг мухбири Симон Молеленнинг саволи. Сиз бу ерда, Нью-Йоркда, шунингдек бошқа совет раҳбарлари Москвада Жазоир муваққат ҳукуматининг раҳбарлари билан расмий суҳбатлар олиб бордингларми? Бу ҳол, Совет ҳукумати Жазоир ҳукуматини де-факто ганимоқда деб талқин қилинди.

Сиз буни шарҳлаб беролмайсизми, жумладан, Жазоир халқининг мустақиллик учун олиб бораётган курашига Сиз қандай ёрдам кўрсатиш ниятида эканлигингизни бизга айтиб беролмайсизми?

Н. С. Хрушчев. Бизнинг учрашувларимиз ва суҳбатларимиздан биз Жазоирнинг муваққат ҳукуматини де-факто ганимоқдамиз, деган хулоса келиб чиқади, деб тўғри тушунибсиз. Мен, бу ҳукуматни фақат бизгина таниб қолмасдан, шу билан бирга уни жаҳоннинг кўп мамлакатлари ганимоқдалар, биринчи галда уни Франция президенти де Голль таниди деб ҳисоблайман, де Голль Жазоирнинг шу муваққат ҳукумати вакиллари билан музокаралар олиб борди.

Мен илгари ҳам бундай саволларга жавоб бериб ўтган эдим, биз, совет кишилари, мустамлакачиларга қарши, ўз мустақиллиги учун курашаётган барча мустамлака халқларига хайрихоҳмиз, деб айтган эдим. Ўз мустақиллиги учун, ўз озодлиги учун курашаётган араб халқи сингари улуғ халқни биз қандай қилиб қаторлардан чиқаришимиз мумкин? Биз унинг курашини тақдирлаймиз. Биз Жазоир халқининг ўз мустақиллиги учун, ўз озодлиги учун олиб бораётган курашида, Жазоир халқига фойдали бўлган ёрдамни қўлимиздан келганича бериб келдик ва бундан буён ҳам ҳар томонлама ёрдам бераверамиз.

«Унита» газетасининг мухбири Феррарининг саволи. 5 бетараф мамлакатнинг резолюцияси овозга қўйилиши тўғрисида Сиз қандай фикрдасиз?

Н. С. Хрушчев. Шу резолюцияга бўлган муносабатимизни резолюция авторларига юборилган ва эълон қилинган хатимда айтиб ўтганмиз. Ҳозир бу масалага қайтишнинг ҳожати бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Уорлдуайд Пресс Сервис агентлигининг мухбири А. Флетчернинг саволи. Совет Иттифоқи кам тараққий этган мамлакатларни ривожлантиришга ҳамиша чақираётганлиги сабабли, унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ёрдам кўрсатиш программаси доирасида берадиган взнослари АҚШ ваъда қилган тарзда кўпайтириладими?

Н. С. Хрушчев. Биз бу масалага доир ўз фикримизни неча марталаб айтганмиз. Кам тараққий этган мамлакатларга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти орқали ёрдам кўрсатишда қатнашмоқдамиз, лекин биз қуролсизланиш тўғрисида битимга келингунча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти орқали кўрсатилаётган ёрдамнинг тахминан илгариги даражасида қолишни афзалроқ кўрамиз. Қуролсизланиш тўғрисида битимга келинганидан кейин қуролсизланиш натижасида маблағларни тежаш учун тўлиқ имкониятга эга бўлиб қоламиз, бинобарин эса кам тараққий этган мамлакатларга кўрсатиладиган ёрдамни бошқа мамлакатлар билан келишиб туриб кўпайтиришимиз мумкин бўлиб қолади.

Лекин биз, асосан, иккиёқлама асосда ёрдам кўрсатабериш, яъни кам тараққий этган мамлакатлар билан битимлар тузиб, шу асосда уларга бегараз ёрдам кўрсата беришни афзалроқ кўрамиз.

Энди, президент Эйзенхауэрнинг шундай ёрдам тўғрисидаги гапи ҳақида сўзлаб ўтай. Менинг фикрим шуки, империалистик мамлакатлар кам тараққий этган мамлакатлардан талаб олиб кетган нарсаларнинг лоақал ўндан бирини қайтариб берганларида эди (маълумки улар бу мамлакатларга талаб шип-шидсиз қилиб қўйганлар), шунда ҳам шу қайтарилган маблағ камлик қилган бўлур эди. Лекин мен империалистик мамлакатлар кўрсатадиган ёрдам кўпайтириш деб умид қилмайман. Гапириш бошқа-ю, қилиш бошқа. Капитализм фақат талашни билади. Ўзчинакам ёрдам кўрсатиши мумкин эмас, чунки бу капитализмнинг моҳиятига зид бўлиб тушади.

Шу сабабли, жаноб журналистлар, ўқишни биласиз, лекин ўқиган нарсаларингизни тушунишни ҳам билинглар. Бу гапни сизларга айтаётганимнинг сабаби шуки, турмуш тажрибаси менга буни кўрсатиб турибди. Англияни олиб қаранг. Ў нақадар бой мамлакат. Лекин Ҳиндистон нақадар камбағал! Франция нақадар бой, лекин Франция томонидан талаган Африка мамлакатлари нақадар камбағал. Англия нақадар бой, лекин Цейлон эса нақадар камбағал.

Ахир, камбағалликни шу мамлакатларнинг миллий ҳислати деб бўладими? Йўқ. Бу — социал ҳодисадир, сиёсий ҳодисадир. Таловчилар қул этилган мамлакатларни босиб олиб, уларнинг халқларини талашди, энди бўлса улар — сизларни таланганимиз учун бизга раҳмат айтинглар, чунки биз сизларга цивилизация олиб келдик, дейишяпти. Бунақа ҳолларда, агар билсангиз, бизда айтиладиган бир гап бор, — бунақа дўстлардан мени худо ўзинг сақла, душманларни ўзим ҳам эплаштириб оламан. Бунда ҳам шуни айтмоқ керакки, бунақа цивилизациядан, парвардигор, ўзинг сақла. Цивилизацияни эса биз ўзимиз ҳеч шубҳасиз, эплаштириб оламиз ва бу цивилизацияни қўлга киритамиз!

Бундан ташқари, Англия Ҳиндистонни босиб олган вақтда Ҳиндистон ҳийли юксак даражада эди. Англия цивилизацияга таянгани йўқ, балки босқинчининг кучига таянди. Зўрнинг кучига таянди. Улар ҳўқўқ деб шуни айтишади! Энди бўлса, улар ўзларини олий ҳиммат қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Агар билсангиз, бунинг номи... қўйинг, шунинг ўзи ҳам кифоя қилар! **(Залда кулги).**

Франс Пресс агентлигининг мухбири С. Гюэзбургнинг саволи: Хитой Коммунистик партиясининг органи «Жэньминь Жибао» газетаси модомики, капиталистик жамият мавжуд экан, уруш бўлиши муқаррар, атом бомба ҳам бамисоли «қоғоз йўлбарс» деган фикрни яна айтди. Сиз шу гапни шарҳлаб беролмайсизми?

Н. С. Хрушчев. Мен бу газетани ўқиганим йўқ. Ўқиган сизлар-у, мен шарҳлаб беришим керак эканда! Сизлар менинг аҳволимни тасаввур қила оласизларми? Ўзларингиз ўқигансиз. Ўзларингиз шарҳлай берингларми, мен ўқиб чиқанимдан кейин ўшанда шарҳлаб бераман. **(Залда кулги).**

Жанубий Корея агентлигининг мухбири Дон Хваннинг саволи. Жаноб Раис, Шимолий Кореяга қилмоқчи бўлган сафарингиз тўғрисида Сиз бизга бирор нарсани гапириб беролмайсизми? Сизнинг ҳозир у ерга боришингиздан мақсадингиз нима? **(Кулги).**

Н. С. Хрушчев. Жаноб журналист берган саволни нима сабабдан бунчалик хурсанд бўлиб кутиб олганингизни тушуна олмадим, жаноблар! Бу жаноб Жанубий Кореядан келганлиги учун шундай қилгандирсизлар. Чамамда, бундай жонланиш учун сабаб йўқ. Мен бу жанобнинг саволига катта ҳурмат билан қарайман.

Қарангки, Жанубий Кореяда Ли Син Ман бор эди. Биз унга ва унинг режимига қарши чиққан эдик. Энди у ерда Ли Син Ман йўқ, гарчи Жанубий Кореядаги ҳозирги режим илгаргги режимдан фарқ қилмасада, Жанубий Кореяда Ли Син Маннинг режими ҳам йўқ. Лекин бугун бир режим бўлар, эртага иккинчиси бўлар, аммо корейс халқи қола беради, биз ҳар бир халқнинг, шу жумладан корейс халқининг ҳам яхши ҳислатлари борлигига ишонамиз. Корейс халқи — эрксевар халқ, у японлар оккупациясига қарши қаҳрамонларча курашди. Лекин мамлакатнинг жанубидаги кишилар шимолидаги кишиларга қараганда ёмонроқ аҳволга тушиб қолдилар. Шимолдаги корейслар географик жиҳатдан ҳам, сиёсий нуқтаи назардан ҳам жанубдаги корейсларга қараганда яхшироқ аҳволдалар, лекин Жанубий кореяликлар ҳам шимолий корейсларга етиб олишларига ишонамиз.

Сиз мендан Корея Халқ Демократик Республикасига қачон боришимни сўраяпсизми? Кореяда қайси кун бўлишимиз мумкинлигини ҳозир ўртоқ Ким Ир Сен билан гаплашиб, аниқламоқдамиз, чунки мен Америкада ушланиб қолдим. Бу тўғрида кейин эълон қилинади.

Лекин мен сиз, жанубий кореялик жаноб журналист менинг яхши истакларимни Жанубий Корея халқига топширишга ботинка олсангиз, мен сиз орқали Жанубий Корея халқига энг яхши истакларимни йўлламоқчиман. Бизнинг истагимиз шуки, Жанубий Корея халқининг социал сиёсий тузумини Корея халқининг ўзи белгиласин, дейимиз, бутун корейс халқи ўз тақдирининг, ўз бойликларининг хўжайини бўлиб қолиши учун Жанубий Корея халқига мустақиллик ва тўла эркинлик тилаймиз. **(Қарсаклар).**

Вашингтондаги «Стар» газетасининг мухбири Ж. Бойданинг ва бошқа мухбирларнинг саволи. Бирлашган Миллатларнинг Космик фазо билан шуғулланувчи комитети фаолиятини қандай қилиб жонлантириш тўғрисида Совет Иттифоқининг бирор таклифи борми?

Н. С. Хрушчев. Биз таклифларимизни ўз вақтида баён қилган эдик ва агар бизнинг истакларимиз ҳисобга олинадиган бўлса, бундай комитетда қатнашишга тайёрмиз. Америка Қўшма Штатларининг таклифларини биз бирёқлама таклифлар деб ҳисоблаймиз, бу таклифларда социалистик мамлакатларнинг манфаатлари ҳисобга олинган эмас, Америка Қўшма Штатлари шу комитетда ўз айтганини қилдирмоқчи. Агар комитетда эмас, балки космосда ўз айтганингизни қилдирмоқчи бўлсангиз, — марҳамат, қилаберинг, космосда ҳаммага жой топилади. Сизлар қўмондонлик қила берингларми, биз ҳам қўмондонлик қила берамиз. **(Залда кулги).**

«Нью-Йорк таймс» газетасининг мухбири Т. Гамильтоннинг саволи. Жаноб Макмиллан билан қилган суҳбатларингизда Сиз, келгуси йилнинг бошида юксак доирада кенгаш чақиришни ва президент Эйзенхауэр ўрнига сайланган янги президент ўз вазифасига ўтирганидан кейин Бош Ассамблеянинг махсус сессиясини чақириши таклиф қилган эдингиз шекилли. Сизнинг фикрингизча, бу учрашув қачон бўлиши лозимлигини, бу учрашувда нималарни кўриб чиқиш керакликлигини бизга батафсилроқ айтиб беролмайсизми?

Н. С. Хрушчев. Ҳа, бу тўғрисида берилган хабар тўғри хабар эди. Жаноб Макмиллан билан биз Нью-Йоркда икки марта учрашдик, у билан учрашган вақтимда эса, биз суҳбатлар вақтида шу масалалар ҳақида гаплашдик.

Жаноб Макмиллан менга, юксак доирада кенгаш бўлади, деб ваъда қилди. Мен ўз вақтида бизнинг баён қилиб ўтган позицияда турибман: Германия билан сулҳ шартномаси тузиш масаласини ҳал қилиб берадиган ва шу масаладан келиб чиқадиган масалани, яъни Ғарбий Берлинни эркин шаҳарга айлантириш масаласини ҳал қилиб берадиган юксак доирада кенгаш чақирилишига тарафдормиз. Лекин мен бошқа масалаларни ҳам ўртага ташладим.

Жаноб Макмиллан билан бўлган суҳбатларда мен, гитлерчилар Германиясига қарши урушган ҳамма мамлакатларнинг сулҳ конференциясини чақириб, Германия билан сулҳ тузиш масаласини шу конференциянинг муҳокамасига қўйиб, шу конференциянинг ўзида сулҳ шартномаси тузсак бўлмасмикин, деган гапни айтдим. Бу шартномани ким имзолашни хоҳласа, имзолайберсин, дедим.

Германия билан сулҳ шартномаси тузишни жадаллаштирмоқ учун шундай таклиф қилдим, чунки бу масалани ҳал қилиш ҳаддан ташқари чўзилиб кетди. Жаноб Макмиллан менга ваъда бериб, буюк давлатлар ҳукуматлари бошлиқларининг кенгаши бўлади ва биз шу кенгашда бу масала устида гаплашиб олишимиз мумкин деди. Бас, шундай экан, биз Парижда ўтказилмоқчи бўлган юксак доирадаги кенгашни Америка Қўшма Штатлари май ойида бузганидан кейин, ўзимиз берган сўзимизда турамиз.

Шу савол ёзилган ҳатда яна бир масала. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг фавқулодда сессиясини чақириш масаласи қўйилган. Жаноб Макмиллан билан бўлган суҳбатда шундай масалани қўйганим рост. Жаноб Макмиллан бундай сессиянинг фойдали бўлишини инкор қилгани йўқ. Бу масалани сизларга айтиб ўтган эдим.

Қуролсизланиш масаласини — масалаларнинг масаласи деб ҳисоблаб келдик, ҳозир ҳам шу фикрдамиз. Ҳозир бўлаётган Ассамблеяда бу масала устида фойдали натижаларга эришмоқ учун алоҳида шарт-шароит бўлмаса керак. Биринчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида бу масаланинг муҳокама қилиниши АҚШ президентини сайлаш кампанияси қизиб турган пайтга тўғри келиб қолганлиги билан ҳисоблашиш лозим бўлади. Бундай шароитда ҳозир Америка бу жуда муҳим масалани муҳокама қилишда актив катнаша олмаса керак. Сабабларнинг бири шу.

Иккинчидан баъзи бир кишилар Ассамблея пленумида муҳокама қилиниши керак бўлган масалалар кўп, деган важни ҳам айтишяпти.

Қуролсизланиш масаласини биз ҳамиша биринчи вазифа деб, бошқа ҳамма масалалардан устун турадиган масала деб ҳисоблаб келдик ва ҳисобламоқдамиз. Шу сабабли, мазкур мулоҳазалар ҳисобга олинадиган бўлса. Бош Ассамблеянинг фавқулодда сессиясини чақириб, шу сессияда фақат битта масалани — қуролсизланиш ҳамда қурол-яроғлар устидан халқаро контроль ўрнатиш ҳақида битимга келиш масаласини муҳокама қилиш фойдали бўлса керак.

Бу масала ҳусусида мен фақат жаноб Макмиллан билангина эмас, шу билан бирга бошқа мамлакатларнинг давлат арбоблари билан ҳам гаплашиб кўрдим.

Бош Ассамблеянинг фавқулодда сессиясини қачон чақириш мақсадга мувофиқ бўлади? Менимча, февралда ёки мартда тўпланиш мумкин. Баъзи бир кишилар, эҳтимол, апрелда тўпланиш яхшироқ бўлур дейишди, бу ой уларга кўпроқ маъқул кўринмоқда. Бундай Ассамблеяни Европада чақириш яхшироқ бўлур эди. Мамлакатларнинг 80 проценти ўзининг географик ҳолати жиҳатидан Европага яқинроқ турибди. Шу сабабли биз фавқулодда сессияни Женевада чақирилишини афзалроқ кўрамиз. Лекин сессия қатнашчилари Совет Иттифоқида тўпланишни истасалар ва бизни шундай шарафга муяссар қилсалар, биз Ассамблеяни Москвада ёки Ленинградда мамнуният билан қабул қилган бўлур эдик. Ассамблеянинг ишлаши учун шу шаҳарларда жуда нормал шароит яратиб берилган бўлур эди.

Қуролсизланиш тўғрисида битимга келишга ва тинчликни таъминлашга астойдил интилаётган кишилар — ҳамма ҳам шунга интилиши керак, — бизга ҳайрихоҳлик кўрсатишлари лозим ва шундай қарорга келишга кўмаклашишлари лозим, деб ўйлайман.

Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг мухбири Г. Шапиронинг саволи. Берлиндаги статус-кво юксак доирадаги энгиги кенгаш чақирилгунча сақлаб турилдими?

Н. С. Хрушчев. Бу савол жуда абстракт тарзда қўйилган. Биринчидан, юксак доирадаги шу кенгашнинг ўзи ўтказиладими? Агар бу савол жаноб Шапиро қўйган тарзда қўйиладиган бўлса, бундан шу келиб чиқадики, мен статус-квони сақлаб туриш тўғрисида ваъда беришим лозим бўлиб қолади, лекин кенгашнинг ўзи қайси йили ва қайси куни чақирилиши маълум эмас-ку? Бундай ваъда бериш Германия билан сулҳ шартномасини абадий имзоламай қолиш бўлур эди. Бу савол биз тушунган тарзда, президент — сайлоларидан кейин юксак доирада кенгаш ўтказилади деган маънода тушуниладиган бўлса, биз берган сўзимизда қатъий тураверамиз. Агар юксак доирадаги кенгаш чақириш истаги йўқлигига кўзимиз етса, сулҳ шартномаси тузиш зарур деган позицияда турган мамлакатлар, оқибат натижада, тўпланишиб, сулҳ шартномасини имзолайдилар. Ана шунда Ғарбий Берлин учун оккупация режими тугайди.

Ранслик қилувчи. Мен сиёсат доирасидан ташқарида турувчи бир савол билан тамомламоқчиман. Бу саволни **Ирландиядаги «Айриш таймс» газетасининг ходими жаноб Мэррей бераётир.**

Сиз Ер орбитасига одамни бу йил юборишингизни аниқ айтиб бера оласизми?

Н. С. Хрушчев. Сиз биринчи кандидат бўлиб ёзилмоқчимисиз? **(Залда кулги).**

Муҳбир. Сиз билан бирга.

Н. С. Хрушчев. Менинг ёшим ҳам, вазним ҳам тўғри келмайди. **(Залда кулги).**

Муҳбир. Мен ҳам шундай.

Н. С. Хрушчев. Мен сизни билмайман, шунинг учун ҳам шундай деяпман. Мен сизни ранжитмоқчи эмасман. Зотан бу ерда ранжиткулик ҳеч бир гап ҳам йўқ. Сизга фақат шуни айта оламанки, бизда космосга учишни истаган одамлар кўп, улар зўр бериб тайёргарлик кўришяпти. Ҳар ким ҳам биринчи бўлиб учиш шарафига эга бўлишни истайди.

Биз бундай учишни катта илмий аҳамияти бўлган жуда муҳим учиш деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, бу соҳада спорт одатлари тўғри келмайди, одам космосга, албатта, фалон куни учирилади, деб айтиб худди ўша куни уни учириш бу жуда муҳим ишни спорт қаторида ҳисоблаш бўлур эди. Биз ўз олдимизга бундан вазифани қўяётганимиз йўқ. Одамнинг космосга учиши учун тегишли шарт-шароит тахт бўлганидагина уни космосга учирамиз: космосга учган одамнинг ҳаётини сақлаб қолиш мутлақо керак-ку, ахир. Бу ҳодиса қачон рўй беришини айта олмайман, чунки бу, аввало, олимларнинг иши. Одамни космосга учириш ҳозир қийин гап эмас, аммо асосий гап шундаки, шу учирилган одамни қайтариб тушириш керак.

Ҳурматли раисинг, бу берилган савол охирги савол деб айтган гапинг эшитдим. Шу сабабли, менинг ҳам охирги сўзни айтишимга ижозат бергайсиз.

Аввало, мен ҳурматли раисимизга — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги журналистлар уюшмасининг президентига ташаккур айтмоқчиман ва сизларнинг ҳаммангизга мени ва дўстларимни яхши знёфат қилганликларингиз учун ташаккур айтмоқчиман. **(Залда шодиёна жонланиш).** Баҳо бериш сизларнинг ҳаққингиз, лекин ҳар ҳолда мен сизларнинг нон-тузингизни оқлаш учун виждонан ҳаракат қилдим. **(Кулги, қарсаклар).** Сиз жаноблар, дўстлар, ўртоқларга илтифотларингиз учун ҳам ташаккур айтиб, сизларнинг ишларингизга энг яхши муваффақиятлар тиламоқчиман.

Тинчлик учун олиб борилаётган курашдаги куч-ғайратларимизни бирлаштирайлик! Мен — коммунистман. Бу ерда, мендан бўлак, бошқа коммунистлар ҳам бор, уларни кўриб турибман, деб айтсам сирни очиб қўймаган бўламан. Улар бу ерда ўтиришибди **(шодиёна жонланиш),** лекин бу ерда ўтирганларнинг кўпчилиги коммунистлар эмас. Бироқ, битта нарсада ҳаммамизнинг фикримиз бир бўлиши лозим. Бу нарса шуки, биз ҳаммамиз одамларнинг, ер юзида яшаб турган инсон эса, яшашни истайди. Такрор айтаманки, бир масалада, тинчлик учун олиб борилаётган курашда куч-ғайратларимизни бирлаштирайлик. Жамиятнинг социал ва сиёсий тузилиши масалалари ҳар бир халқнинг ички ишидир, аммо бутун дунёдаги тинчлик иши эса халқларнинг умумий ишидир.

Бинобарин, умумий мақсадга эришмоқ — ер юзида тинчликни таъминламоқ учун бутун фикр-зикримизни ва куч-ғайратимизни тўплайлик. Ер юзида тинчликни таъминламоқ, бирор тасодифий ҳолларга йўл қўймаслик учун эса қуролсизланиш тўғрисида ҳамма мамлакатлар ўртасида битимга келмоқ керак. Агар биз шундай қилсак, жаноблар, мен аминманки, асрлар бўйи унутилмайдиган ном қолдирган бўламиз. Бизнинг болаларимиз ва набираларимиз: бизнинг оталаримиз ва боболаримизнинг муросалари ҳар қанча ёмон бўлган бўлса ҳам, ҳар қанча бахсланган, жанжаллашган бўлсалар ҳам, ничалик фаросатсиз одамлар бўлмаган эканлар, улар асосий мақсадни тушунган эканлар — урушга йўл қўймадилар ва тинчликни таъминладилар, деб айтадиган бўлсинлар.

Виждони бўлган ҳар бир кишига шунинг ўзи кифоя қилган бўлур эди, — унинг виждони соф бўлган бўлур эди... **(Қарсаклар).**

Америка ишчилари Н. С. ХРУШЧЕВ ҳузурида бўлдилар

НЬЮ-ЙОРК, 8 октябрь. СССР Министрлар Советининг Раиси ҳузуридаги матбуот группаси хабар беради:

8 октябрда эрталаб негр ишчилари Вильям Кларк ва Кларенс Когинс Совет ҳукумати бошлиғининг Парк-Авенюдаги резиденсига келдилар. Вильям Кларкнинг 13 яшар қизи Холда ҳам улар билан бирга келди.

Совет ҳукумати бошлиғининг Америка оддий ишчилари билан учрашуви жуда самимий ва завқли ўтди.

Меҳмонлар тинчлик ва барча халқлар ўртасида тенглик ишини доим ҳимоя қилиб келаётган Никита Сергеевич Хрушчевга, Совет ҳукуматига ва Совет халқига самимий ҳурматларини изҳор қилиш юзасидан Никита Сергеевич Хрушчевга совғалар тақдим этд

ЎЗКОМПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ОКТЯБРЬ ПЛЕНУМИ ШАРАФИГА

МАШИНА ТЕРИМИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРАЙЛИК!



КУНИГА 4—5 ПРОЦЕНТ УЧУН

Бу йил биз зиммамизга катта мажбурият олганмиз. 155 гектар пахта майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнер ўрнига 50 центнердан ҳосил кўтармоқчимиз.

Мана энди ғалвирни сувдан кўтарадиган, берилган ваъдаларни бажарадиган пайт келди. Биз мана шу ваъдамизни бажариш учун курашяпмиз. Айни пайтда бригадамизда 6 та пахта териш машинаси ишлаб турибди. Бу машиналарда Курдсанд Аҳмедов, Дилором Абибуллаева, Азиз Зиятуллаев каби моҳир механик-ҳайдовчилар ишлаяпти. Кунига улар 4 — 5 тоннадан пахта термоқдалар. Ёш механик-ҳайдовчи Дилором Абибуллаева дастлабки 6 кунда ХВС-1,2 машинаси билан 20 тонна пахта терди. Кейинги кунларда ҳамма механик-ҳайдовчиларимиз ҳам ана шундай унумли ишлай бошладилар.

Теримчиларимиз ҳам ғайрат билан ишлаб, кунлик нормани ошириб бажариш учун курашмоқдалар.

Ишни яхши ташкил этганлигимиз туфайли ҳар куни йиллик планнинг 4 — 5 процент миқдорида пахта тайёрлаяпмиз.

Мақсадимиз 20 октябргача планни бажариш. Бизнинг бутун эътиборимиз шунга қаратилган.

Шарофат БОЗОРОВА,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 1- «Боёвут» совхозидаги 6- бўлим бригада бошлиғи.

ЯНГИЙЎЛДА МАШИНА ТЕРИМИНИ МЕНСИМАЁТИРЛАР

Район раҳбарлари область пахтакорларининг Янгийўл шаҳрида бўлиб ўтган кенгашларидан бирида: «Бу йил 5 минг гектар ердан 8 минг тонна пахтани машина билан териб оламиз», — деб, эл-юртни ишонтирган эдилар. Йиғим-теримнинг ҳал қилувчи ҳозирги даврида район раҳбарларининг сўзлари бошқа-ю, ишлари бошқа экани сезилиб қолди.

Колхозларда пахталар чамандек очилган. Машина терими тўғри уюштирилса, ҳар куни 200—250 тоннага етказиб «оқ олтин» териш мумкин. Афсуски, кўпчилик хўжаликларда машина теримига етарли эътибор берилмаётир. 91 машинадан кўп деганда 73 таси, айрим кунлари бундан ҳам камроқ машина ишлаётир. Район партия комитети, район ижроия комитети машина билан пахта териш ишини уюштириш ва унга раҳбарлик қилишни район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиғи О. Зокиров, РТСларнинг директорлари С. Акромов, А. Мешков ўртоқларга топширган. Ҳа, улар колхозларга чиқиб, машиналарнинг ишлаётганини ва бузилганини рўйхат қилишдан нарига ўтмаётирлар, ҳамма мавжуд машинани ишга туширишдек масъулиятли вазифага юзаки қарамоқдалар.

Ленин номли колхозда ёрдамга келган машиналардан ташқари, 11 та пахта териш машинаси бор. Бу йирик хўжаликда ҳам пахтани машина билан териш кўнгилдагидек эмас. Тез-тез бузилиб бекор турадиган машиналар кўп. Механик-ҳайдовчиларга техника ёрдами кўрсатиш эса ҳеч кимнинг хотирига келмайди.

Биз ўртоқ О. Холмирзаев бошлиқ 9-бригадада бўлдик. Машина теримига ажратилган 40 гектарлик картада 6 та машина турибди. Улардан фақат 2 таси ишламоқда. Механик-ҳайдовчи ўртоқ Э. Туробовга бириктирилган СХС-1,2 машина бир килограмм пахта термасдан бригада бошлиғининг буйруғи билан қайтариб юборилибди. Иккита СХМ-48 машинаси «пахтани кўплаб тўкаётир» деган баҳона билан ер чеккасига чиқариб, тақа-тақ тўхтатиб қўйилибди. Механизатор М. Қозоқбоевнинг айтишича, бу машинанинг ишлашига ҳам бригада бошлиғи қаршилик кўрсатибди.

Ўртоқ Б. Холмирзаев ишлаётган ХВС-1,2 машинасининг бекор турганига жуда ачиндик. Шу долзарб кунларда колхозчиларнинг ишини енгиллаштирадиган машиналардан унумли фойдаланишга колхоз инженери С. Мустафоев, РТС раҳбарлари бепарво қараётгани кимни ачинтирмайди?!

Машиналардан мана шунақасига «фойдаланилаётганлиги» туфайли бу соҳада берилган уч кунлик график колхозда атиги 24 процент адо этилди. 200 ўрнига 48 тонна пахта терилди, холос.

Хўш, машина билан пахта теришда шуҳрат қозониб келаётган Киров номли колхозда аҳвол қандай, 32 та машинанинг хаммаси ишлаётирми?

— Ҳар куни 6—10 машина бузилиб, тинкамизни қуритаётир, — дейди колхоз инженери ўртоқ А. Шек, — мана бу машина РТСда капитал ремонт қилинган. Ҳали бир килограмм ҳам пахта тергани йўқ, қайта ремонт қилаётирмиз.

Дарҳақиқат, 1-РТС колхозга зарур ёрдам бераётгани йўқ. Ўртоқ Лукьянов билан сайёр устахона колхозга икки кунга юборилди. Лекин ўртоқ Лукьянов ҳеч қандай ёрдам бермасдан жўнаб қолди. Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Қолжонов бу аҳволни РТС директори ўртоқ А. Мешковга хабар қилганида, у «бугун машина йўқ, эртага юборарман» дейиш билан кифояланди. Мана, сизга РТСнинг пахта териш машиналарига бераётган ёрдами. Машиналар унумсиз ишлаётгани устига кўплаб бузилиши натижасида ажратилган 1 минг гектар майдоннинг 350 гектаридан 362 тонна ҳосил терилди, холос. Ўртоқ У. Муҳамедов бошлиқ бригадада 100 гектар ердаги пахта оппоқ очилиб, хатто ерга тўкилаётир. Бу ерда фақат битта машина пахта тераяпти.

Ўртоқ М. Исматов раислик қилаётган «Коммунизм» колхозининг пахта тайёрлашда ҳаддан ташқари орқада қолаётганига машина терими кучайтирилмагани ҳам сабаб бўлаётир. Колхоз правлениеси машина теримига қониқарсиз тайёргарлик кўрган. Ўватлар, ўқариқлар текисланмаган. «Пахта яхши очилмади» деган баҳона билан машиналар қўшни колхозларга жўнатилган. Бундан фойдаланган айрим бригадаларда машина теримига ажратилган карталарнинг пахтаси қўлда тердирилган. Пахта очилмади деган гап қуруқ баҳона, машина теримини менсмасликдан бошқа нарса эмас. Колхозда қолган бешта машинанинг ҳар бири 2,4 тоннадан пахта терибди-ку! Бу қўзбўлмачиликни кўрсатмайдими? 2-РТС директори ўртоқ С. Акромов техникадан ёмон фойдаланаётганларга бепарво қараётир. Хрушчев номли колхозда 7 октябргача 11 та ХВС-1,2 машинасининг бир килограмм ҳам пахта термай, ғанимат кунларда бекор турганлигига қандай баҳо бериш керак?

Машина билан пахта теримига пухта тайёргарлик кўрди, деб кўкларга кўтарилган «XIX партсъезд» колхозида ҳам аҳвол ачинарли. Ўртоқ Рустамов бригадасида ишлаган икки машина билан ҳаммаси бўлиб 1758 килограмм пахта терилгани бу колхозда машина теримининг қониқарсиз уюштирилганини исбот этади.

Район колхозларида машина билан ҳам, қўл билан ҳам пахта териш графиги бажарилмаётир. Графикка кўра мавжуд машиналар билан уч кунда 782 тонна пахта терилиши керак эди. Фақат 222 тонна пахта терилган. Бу, ўртача 1,81 тоннадан тўғри келади.

Машина теримини менсимаётган бундай консерваторлар район партия комитетининг секретари Т. Умаров, район ижроия комитетининг раиси М. Тожиев ўртоқларга маълум. Лекин улар машина теримини орқага сураётган раҳбарларга кескин зарба берганларича йўқ. Барча машина ишга туширилиб, терим тўғри ташкил этилса, иш унумини оширадиган тадбирлар амалга оширилса, шубҳасиз районда пахта териш суръати ортади, давлатга ҳозирги кундагидан кўп пахта топширилиши турган гап.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг аъзолари ватанпарварлик ташаббуси бошлаб, 1780 гектар ернинг ҳар гектаридан она-Ватанга 45 центнердан «оқ олтин» етказиб бериш йўлида мардоналик билан кураш олиб бормоқдалар. Колхозда 700 гектар ер машина теримига ажратилган эди. Мана 3 — 4 кундирки, далаларда қудратли машиналарнинг овози бетиним ҳайқирмоқда. 26 терим машинаси тонна-тонналаб пахта териб, колхозчиларнинг оғирини енгил қилаяпти, хирмонга барака киритаяпти. Бу машиналарнинг 14 таси колхознинг ўзиники, 12 таси эса қўшни колхозлардан келтирилди. Машина деҳқоннинг дўсти эканлигига ишонган хўжаликдагина ана шундай намунали иш бўлади.

Ҳа, суръат кучайиб кетди. Колхоз шу кунгача гектаридан 34 центнердан ҳосил бериш ҳисобидан йиллик планни 40 процентдан ошириб бажарди. Бундан кейин ҳар куни 2,5 — 3 процентдан пахта топшириш учун ҳамма имконият мавжуд. Суратларда: 1. Машиналар билан пахта териш пайти. 2. Машинада терилган пахталар бункерлардан тўғридан-тўғри автоприцепларга ағдарилмоқда. 3. Колхоз раиси, (ўнгда) Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдужамил ака Матқобулов беш кунлик топшириқни ортиғи билан бажарган механик-ҳайдовчи ўртоқ Шамши Тўлагановни табриклямоқда.

В. Сироткин фотолари.

КУЗГИ ШУДГОР ПЕШҚАДАМЛАРИ

ЯНГИБОЗОР. (Ўз мухбиримиздан телефон орқали олинди). Юқори Чирчиқ районининг меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг экин майдонларини кузда шудгорлаб қўйиш тўғрисидаги қарорига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Шу кунларда эртаги қишлоқ хўжалик экинларидан бўшаган ерлар ва ғалла майдонларини шудгорлаш қизғин давом эттирилаётир. Ҳозирга қадар район бўйича 9500 гектар ер шудгорлаб қўйилди.

«Гулистон», «Ленинский путь» колхозларида (раислари Э. Холматов, Ни Глеб ўртоқлар) кузги шудгор айниқса жадал давом эттирилмоқда. Бу хўжаликларда тракторчиларга етарли маданий-маиший шароит яратиб берилган. Техника ёрдами кўрсатиш яхши уюштирилган. Оқибатда тракторлар кеча-кундуз бир меёрда ишлаётир. Ҳар икки колхозда қисқа вақтда 1300-1400 гектар ер шудгорланди. «Политотдел» колхозининг механизаторлари ҳам 1150 гектар ерни шудгорлаб, яхши иш қилдилар.

Тракторчилар орасида кўп ва сифатли ер ҳайдаш учун бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Раҳимбой Каримбоев, Обид Пўлатов, Темиров сингари илғор тракторчилар ҳар куни 10—12 гектар ер ҳайдаб, механизаторлар карвонига уддабуронлик билан бошчилик қилаётирлар.

Райондаги барча колхозларда кузги шудгор тобора қизитиляпти. Механизаторлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг навбатдаги пленумини ғалла майдонларини, эртаги ва ўртаги экинлардан бўшаган ерларни шудгорлаб қўйиш билан кутиб олиш учун курашмоқдалар.

ИЛҒОР МЕХАНИЗАТОРЛАР

СОЛДАТСК (ЎзТАГ). «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозининг механизаторлари 86 агрегатнинг ҳаммасида пахта тера бошладилр. Ҳар бир машина билан кунда ўрта ҳисобда 2 тоннадан ортиқ пахта терилмоқда.

Комплекс бригаданинг бошлиғи Мустафо Чачи, механик-ҳайдовчилардан Фекрет Мазин, Катам Ежи ва бошқалар пахтани машинада теришда юксак иш унумига эришдилар. Бу механизаторларнинг ҳар бири кунига олти тоннагача пахта тераётирлар.

Раис ваъдасидан қайтди

Ўртоқ Аҳмаджон Қодиров Бекобод районидаги Навоий номли колхознинг раиси. У бу йил машина билан пахта териш ҳақида роса кўпириб гапириб юрди. Катта мажлисларда тантанали ваъдалар берди. «Бу йил машина билан пахта териб, ундай қиладурмиз, бундай қиладурмиз» деб жар солди. Аммо кейинчалик бу ваъдаларнинг миси чиқиб қолди.

Колхознинг 850 гектар пахта майдонидан 500 гектари машина теримига ажратилган вақтда ҳамма «ана, раис ўз ваъдасини бажариш учун ҳаракат қиляпти» деб ўйлади. 16 та пахта териш машинаси ремонтдан чиқарилиб, қатор қилиб қўйилган вақтда ҳам ҳамма «отанга раҳмат, раис» деган эди.

Лекин пахта терими бошланиб кетганда машиналар ҳам, шайланиб турган механик-ҳайдовчилар ҳам бир четда қолаверди. Раис теримчиларга қараб: «Қани, шоввозлар, ёппасига теримга!» — деб ишора қилди. Аъзолар теримчилар ҳаш-паш дегунча машинага ажратилган ва ажратилмаган ерлардан пахта тера бошладилар, Жумладан М. Суюнов, Г. Алимқулов, О. Эсантурдиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда машинага ажратилган 90 гектар ердаги пахта қўл билан териб юборилди.

Бу колхозда 500 гектар ер машина теримига ажратилган бўлса ҳам, ҳеч қандай тайёргарлик кўрилмади. Карта четлари, ўқариқлар текисланмади. Тўрақул Ўтамбоев сингари моҳир механизаторлар энди машина билан пахта териш ўрнига қўл билан пахта термоқдалар. Чунки бу колхозда раис машина билан пахта териш тўғрисида берган ваъдасидан қайтипти.

У. ТУРСУНОВ.

Ўртоқ Қодиров, қўлингиздан келгани шу бўлдими?
М. Воробейчиков чизган расм.

Машиналар ишга тушгач

1-«Боёвут» совхозининг 2-бўлимидаги А. Норқулов, З. Тўрақулов ўртоқлар бошлиқ бригадалар пахта теримида олдинда бораётирлар. Бу бригадаларда терим машиналари ишга тушириб юборилгани учун кунига 3 процентдан ошириб пахта тайёрланаётир.

Механик-ҳайдовчилардан А. Ханкелов, К. Умаров ўртоқлар «ХВС-1,2» машинаси билан кунига 4—5 тоннадан пахта териб, суръатни тезлаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ф. ТУРАҚУЛОВ.

ЁРДАМЧИЛАР ҒАЙРАТ ҚИЛГАНДА

Ҳар бир колхозчи-механизатор шаҳарлик ёрдамчилар тўғрисида қувонич гапиради.

— Ҳар қанча раҳмат айтсак арзийди уларга, — дейди район партия комитетининг секретари ўртоқ Исамуҳамедов, — пахталаримиз чамандек очилиб кетган ҳозирги долзарб кунларда улар оғиримизни енгил қилишяпти. Колхоз ва совхозда шу кеча-кундузда 3 минг 400 га яқин шаҳарлик пахта тераяпти. Улар ҳар куни хирмонга 145 тоннадан пахта топширишмоқда.

Ана шу фидокор шаҳарлик биродарлар меҳнат қилаётган пахтазорларидамиз. Сталин номли колхознинг ўртоқ Абдумажид Абдуазизов бошлиқ бригада аъзоларига шаҳарликларнинг бераётган ёрдами айниқса баракали бўляпти. Худди туш пайтида дала шийпонига етиб бордик. Табелчи йигитнинг қўли-қўлига тегмасди. Трактор-йиғув заводининг азамат ишчилари териб келтирган пахтани пешма-пеш тортиб олаяпти. Ана, тарози олдига новчагина, мовий кўзлари кулиб турган думолоқ юзли бир қиз яқинлашди.

— Уттиз килограмм, — деди табелчи, — кечгача ғайрат қилсангиз юзга етказасиз.

— Ўҳ-у, — деди дугонасининг рўпарасида турган бошқа теримчи, — мендан беш килограмм ошириб сан.

— Сеники неча килограммга етди?

— Мана бу этакдагини топширсам эллликка етади, — деди у ва тарозибонга юзланди.

Дугоналар тушгача қилган ишларидан мамнун бўлиб шийпонга йўл олдилар.

Табелчидан бу қизларнинг фамилияларини суриштириб билиб олдик. Уларнинг бири Света Гордиенко — заводнинг инженер конструктори, иккинчиси технолог Лидия Гетенгер экан. Заводда фидокорона меҳнатлари билан ҳаммамга ўрнак бўлаётган бу қизлар пахта даласида ҳам ажойиб кўрсаткичларга эришмоқдалар. Уларнинг ҳар бири ҳозиргача бир ярим тоннаданга етказиб пахта теришди.

Мана колхоз далалари. Бир текис ўсган ғўза тупларидаги кўсаклар чамандек очилган. Ёрдамчиларнинг ҳар бирига биттадан эгат биркитиб қўйилибди. Улар ишга шунчалик берилиб кетишганки, ҳатто бир-бирларига ҳам гап қотишмайди. Боя биз икки илғор ишчи — теримчининг номини тилга олган эдик. Бу ерда меҳнат қилаётганлар орасида худди колхозчилардек кўп ва тоза пахта тераётганлар оз эмас. Слесарь Зоид Тоҳиров, дурадгор Валентин Косолапов, Мирхидоятов, Валихонов, Хўжаев, Исҳоқов, Раҳматуллаев сингари ўртоқлар роса ғайрат қилишяпти.

— Еримиз юз гектар, ҳар гектаридан 25 центнердан пахта топшириш учун курашмоқдамиз, — дейди бригадир Абдумажид ака, — ёрдамчилардан миннатдормиз. Ҳозир бизнинг бригадамизда 80 киши ишлаяпти. Уларнинг кучи билан ҳар куни 1 — 1,5 процент пахта терилаяпти. Ёрдамчилар хирмонга тўккан пахта ҳозиргача 40 тоннага етди.

Районнинг қайсибир колхози, қайсибир бригадасига борманг шаҳарлик биродарлар тўғрисидаги ана шундай илиқ меҳрибончилик сўзларини эшитасиз. Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда шаҳарликларнинг ҳиммати катта бўлаяпти. Шаҳарлик қизлар, йигитлар эл хирмони тезроқ кўтарилсин, планимиз тезроқ тўлсин, шунда бизнинг ҳам юзимиз ёруғ бўлади, деб ғайрат қилмоқдалар.

«XX партсъезд» колхозининг далаларини айлансангиз кексалар, кўпминг килограммчи чевар қизлар қаторида 1-босмахонанинг ёшларини ҳам кўрасиз. Ҳозирги кунда уларнинг колхозчи пахтакорлардан фарқи йўқ. 'Эрта тонгда туриб далага йўл олишади, қош қорайганда қайтишади. Дангасаликни, ялқовликни билишмайди улар. Шунинг учун ҳам бу ердаги 37 кишининг ҳар бири ўртача 60 килограммдан ошириб пахта теришяпти. Босмахонанинг техноруги — партия ташкилоти секретарининг ёрдамчиси Убайдулла Мирзаходиев уларга бош-кўзиқош. Биз ундан ҳаммага намуна кўрсатиб меҳнат қилаётган чеварларнинг номини сўраб билиб олдик. Мана улар: Мавжуда Орифжонова, Нина Варлева, Мансур Абдуллаев, Омонилла Муҳаммаджонов, Васила Абдувалиева, Хон Света ўртоқлар. Булар кунига 80 — 90 килограммдан кам пахта теришмайди. Ана шулар тўғрисида завқ билан ҳикоя қилар экан, босмахона партия ташкилоти секретарининг ўринбосари колхоз правлениесидан ранжиганлигини ҳам айтиб қолди.

— Кўриб турибсиз, — дейди у, — ишчиларимизнинг меҳнатга бўлган ҳаваси катта. Улар пахтакорларга астойдил ёрдам бериш учун келганлар. Лекин шуниси бизни хайрон қолдирмоқдаки, колхоз правлениеси, бригадирлар ишимизда сира хабар олишмайди — маданий-маиший хизмат яхши эмас. Радио йўқ, кундалик газета ва журналларни ўз вақтида келтириб беришмайди. Қани энди илғорларимиз рағбатлантирилса. Бундан ҳам яхши, бундан ҳам баракали меҳнат қилардик. Технорук ҳақ гапни айтаяпти. Колхоз раиси ўртоқ Х. Холматов бу эътирозларни инобатга олсин.

Бошқа колхозларда бўлганимизда ҳам эл ҳурматига сазовор бўлаётган шаҳарликларнинг ишидан хурсанд бўлдик. Охунбобоев номли колхозда Социал-таъминот министрлигининг ходимлари пахта теришяпти. Калинин номли, «Ленин йўли», «Полярная звезда» колхозларида пахтакорларнинг оғирини енгил қилаётган мўйнатери заводи, 6- пиво заводи, 1-тикув фабрикаси, 2- трикотаж фабрикаси ишчиларидан колхозчилар миннатдор. Район бўйича ҳар бир шаҳарлик ўртача ҳисобда 43 килограммдан пахта тераяпти. Уларнинг ҳозиргача терган жами пахтаси 1789 тоннага етди. Ғайрат кўрсатаётган шаҳарлик биродарлар, офарин сизларга!

Н. РИХСИЕВ.
Ўрта Чирчиқ районы.

Суратларда: Ўрта Чирчиқ районидаги «XX партсъезд» ва Сталин номли колхоз пахтакорларига ёрдам бераётган шаҳарлик хашарчилардан (чапдан ўнгга) мебель фабрикасининг дурадгори А. Ҳайитмуҳамедов, трактор-йиғув заводининг инженер конструктори С. Гордиенко, шу заводнинг слесари З. Тоҳиров, мебель фабрикасининг дурадгори Б. Калиновский ўртоқлар. Булар белгиланган кунлик нормаларини 1,5 — 2 ҳисса бажариб, эл хирмонига барака киритаётирлар.

В. Салов фотолари.

Бўлим чеварлари

ЯНГИЕР. «Фарҳод» совхозининг биринчи бўлимидаги Набижон Жўраев бошлиқ бригада аъзолари 90 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан пахта топширишга аҳд қилганлар. Илғор теримчилардан Халима Мўминова, Карим Шомирзаевлар 200—250 килограммдан пахта териб, кунлик нормаларини бир неча бор ошириб бажармоқдалар.

А. АБДУҚАҲҲОРОВ.

Суратда: 1- босмахона ходимлари Ўрта Чирчиқ районидаги «XX партсъезд» колхози пахта далаларида. Улар йиғим-теримда актив қатнашиб, умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

БМТ Бош Ассамблеясининг XV сессиясида

НЬЮ-ЙОРК, 7 октябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 6 октябрь кундузги ялпи мажлисида Конго Республикаси (пойтахти Браззавилда) бош министрининг ўринбосари, ички ишлар министри Стефан Чичель умумий дискуссия тариқасида сўзга чиқди.

Чичель қўшни Конго Республикасидаги аҳволга тўхталиб, бош министр Лумумба бошчилигидаги Конго қонуний ҳукуматини қоралашга уринди ва мустамлакачиларнинг малайи бўлган Касавубуни мақтади. Чичель гўё Африка халқларига таҳдид қилаётган қандайдир «неоимпериализм» тўғрисида узоқдан-узоқ гап сотиб, империалистик давлатларнинг Конго ички ишларига ҳақиқатан ҳам аралашаётганлиги тўғрисида, БМТ аъзоларининг кўпчилиги ёш Республиканинг миллий мустақиллиги ва территориал бутунлиги хавф остида қолди, деб ҳисоблаётганлиги ҳақида лом-мим демади. Чичель сўзининг охирида Бош Ассамблея шу сессиясининг делегатлари умумий тинчликни таъминлаш проблемасини ҳал этиш йўли топилмагунча ўз юртларига жўнаб кетмасликлари керак, деди.

Шундан кейин Бош Ассамблея XV сессия кун тартибини муҳокама қилишга ва бу кун тартибидаги масалаларни қараб чиқиш навбатини белгилашга киришди. Мажлисда Хитойнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги вакиллиги масаласи юзасидан Белоруссия ССР делегациясининг бошлиғи К. Т. Мазуров биринчи бўлиб сўзга чиқди. К. Т. Мазуров Совет Иттифоқининг Хитой Халқ Республикасига унинг БМТ даги қонуний ўрнини бериш тўғрисидаги масалани кун тартибига киритиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлади. К. Т. Мазуров айтдики, деярли ҳар йили янги мамлакатлар БМТга қабул қилинмоқда. Бош Ассамблеяда Хитой Халқ Республикасига нисбатан эса шармандаларча найранг ишлатилмоқда.

К. Т. Мазуров сўзини давом эттириб бундай деди: Хитойнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ҳуқуқларини тиклашга қарши чиқаётган кишиларнинг ўз позицияларини оқлашлари учун ҳеч қандай асослари йўқ. Улар Хитой Халқ Республикаси вакилларининг ташкилотда аъзо бўлишига сиёсий важлар билан қарши чиқмоқдалар. Хитой халқи империалистик ва феодал зулмга абадий хотима бериб, социалистик тараққиёт йўлига қатъий ўтиб олганликларига Қўшма Штатлар сира тоқат қилолмаётир. АҚШнинг Хитойга нисбатан камситиш ва агрессия сиёсатини ўтказиб келаётганлигига ҳам худди шу нарса сабаб бўлмоқда. АҚШ Халқ Хитойнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги овозидан қўрқмоқда.

АҚШ ва Ғарбдаги бошқа баъзи бир мамлакатлар ҳукмрон доираларининг, Хитой Халқ Республикасига нисбатан ўтказиб келаётган бемаъни сиёсатини деб таъкидлади К. Т. Мазуров, бутун прогрессив инсоният қораламоқда. Халқ Хитойининг иштирокисиз халқлар ўртасида чинакам ҳамкорлик бўлишини таъминлаш мумкин эмас, халқ Хитойининг иштирокисиз бутун дунёда барқарор ва мустаҳкам тинчлик бўлишини таъминлаш мумкин эмас. Еппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги масалани — замонамизнинг ана шу энг муҳим проблемасини халқ Хитойининг иштирокисиз самарали ҳал қилиб бўлмайди.

Цейлон делегати менинг мамлакатим Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ҳуқуқларини таниш позициясида турибди, деб таъкидлади. У, Хитой Халқ Республикаси билан дипломатия муносабатлари ўрнатганлари ҳолда, Хитойнинг БМТдаги ҳуқуқларини тиклашга қарши овоз бераётган баъзи мамлакатларнинг позицияси мантиққа тўғри келмаслигини айтди. Цейлон делегати Хитой Халқ Республикаси ҳукумати Хитойда яшовчи миллион аҳолининг бирдан-бир ҳукумати эканлигини уқтириб ўтди ва Хитой Халқ Республикасини БМТга қабул қилишга қарши идеологик тафовутларга асосланган далилларни келтираётган шахсларни қоралади. У, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида қуролсизланиш юзасидан олиб борилаётган музокараларда Хитойнинг ҳақиқий вакилларини қатнаштириш зарур эканлигини ҳам кўрсатди.

Польша делегациясининг бошлиғи В. Гомулка бундай деди: АҚШнинг тазйиқи остида БМТда ўн йилдан буён Хитой номидан сохта вакиллик давом этиб келаётганлиги БМТнинг обрўйига путур етказадиган шармандали бир ҳолдир. Бундан ташқари, ана шу сохта вакиллик Ташкилотимизга путур етказади ва энг муҳим халқаро проблемаларни ҳал этиш имконини бермайди.

В. Гомулка Қўшма Штатлар ҳукуматининг Хитой Халқ Республикаси агрессив ўйл тутмоқда, деган баҳоналар билан асослашга уринаётган бемаъни позициясини фош қилиб ташлади. Хитойдаги мавжуд тузум, — деди В. Гомулка, — АҚШ вакилига ёқмаётир. БМТда Хитойнинг ҳуқуқларини тиклаш масаласига АҚШнинг нодўстона қараётганлигига ҳам ҳақиқий сабаб шудир. Қўшма Штатлар халқ Хитойнинг БМТда аъзо бўлишига йўл қўйишни истамаётир, чунки бу нарса мазкур Ташкилотда Қўшма Штатларнинг позицияларига путур етказган бўлур эди. Қўшма Штатлар бу ташкилотдан ўзининг «совуқ уруш» сиёсати қуроли сифатида фойдаланмоқчи бўлади.

Польша делегациясининг бошлиғи айтдики, АҚШнинг бундай позицияси БМТнинг Уставини хурмат қилишга тамомила хилофдир ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг энг муҳим халқаро проблемаларни, биринчи галда қуролсизланиш тўғрисидаги масалани муваффақиятли ҳал этишига халақит беради. Гомулка Мўғулистон Халқ Республикасини БМТ га қабул қилишга кўп йиллардан буён тўсқинлик қилиб келаётганликлари учун Ғарб давлатларини ҳам қоралади.

В. Гомулка нутқининг охирида бундай деди: Хитойнинг БМТдаги вакиллиги тўғрисидаги масалада рўй берган бемаъни ва зарарли ҳолатга хотима бериш керак. Бу масаланинг ижобий тарзда ҳал этилиши БМТнинг тақдири учун, тинчлик иши учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Польша улуғ хитой халқининг манфаатларини ягона ифода этувчи Хитой Халқ Республикасига унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ўрнини дарҳол қайтариб бериш тарафдоридир.

Ироқ ташқи ишлар министри Жавод айтдики, Хитой Халқ Республикасининг БМТда вакиллиги тўғрисидаги масалани адолатли ҳал этиш жуда зарурдир. Хитой сингари буюк мамлакат ҳукуматининг, деди у, Ташкилотимизда шу вақтгача аъзо эмаслиги каби фактни ҳеч парса билан оқлаш мумкин эмас. Масалан, қуролсизланиш каби муҳим масалаларни, деб таъкидлади Жавод, Хитой Халқ Республикасининг актив иштирокисиз ҳал этиб бўлмайди. Шу сабабли, деди у, — Ироқ делегацияси Непалнинг Бош комитет резолюцияси лойиҳасига киритган тузатишларни қўллаб-қувватлайди.

Украина ССР делегациясининг бошлиғи Н. В. Подгорний айтдики, Бош Ассамблея улуғ Хитой Халқ Республикасига унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ўз ўрнини эгаллаш каби қонуний ҳуқуқни беришдан кўп йиллардан буён механик кўпчилик овоз ёрдами билан бош тортиб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига зиён-заҳмат етказиб, АҚШ манфаатларини кўзлаб шундай қилинмоқда. Қўшма Штатлар бу сафар ҳам ўз резолюцияси билан Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотида вакиллиги ҳақидаги масаланинг қараб чиқилишига йўл қўймасликка уринмоқда. Украина делегациясининг бошлиғи асосли далиллар келтириб, Қўшма Штатларнинг Хитой Халқ Республикасига нисбатан тутган сиёсати бемаъни ва аҳмоқона сиёсат эканлигини кўрсатди. 34 давлат, деди у, — Хитойни таниди ва у билан дипломатия муносабатлари ўрнатди, дунёдаги мамлакатларнинг ғоят кўпчилиги Хитой билан савдосотиқ қилмоқда. Айни вақтда АҚШ Тайвань оролидаги ўз малайи режимини найза ёрдами билан қўллаб-қувватлашни давом эттирмоқда. Н. В. Подгорний Хитой Халқ Республикаси Бош Ассамблеяда ва Ҳавфсизлик Кенгашида ўзининг қонуний ўрнини олмагунча БМТ муҳим халқаро проблемаларни самарали ҳал этишга ёрдам бераолмаслигини а й т и б, Бош Ассамблея делегатлари ақлидрок садосига қулоқ солурлар ва Бош комитетнинг тавсиясини, яъни АҚШ резолюцияси лойиҳасини рад этурлар ва Чан Кай-ши тўдаси вакилларини БМТдан ҳайдаб чиқариш тўғрисидаги ва БМТдаги ўринларни Хитой Халқ Республикаси Марказий халқ ҳукуматининг вакилларига бериш ҳақидаги таклифни Бош Ассамблеяда қараб чиқишни таклиф этган тузатишни қувватлайдилар, деб умид билдирди.

Руминия делегациясининг бошлиғи Г. Георгиу-Деж айтдики, Хитой қонуний ҳукуматининг БМТда вакиллиги тўғрисидаги масала жуда муҳим масаладир, чунки бу масала Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таяниб турган асосларга тааллуқлидир. Георгиу-Деж БМТни унинг ташкилотчиларидан бири ва Ҳавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган давлатнинг ана шу ташкилотдаги вакиллиги ҳуқуқини инкор қилган ҳолда БМТнинг универсаллиги тўғрисида ташриф бўлмайди, деб таъкидлади. У, 650 миллионлик хитой халқининг фикрини эътиборга олмай туриб, халқаро проблемаларни, хусусан қуролсизланиш проблемасини ҳал этиш мутлақо мумкин эмас, деди. Георгиу-Деж айтдики, Хитой Халқ Республикасининг БМТда вакиллиги тўғрисидаги масала юзасидан Бош комитетнинг Бош Ассамблеяга тақдим этилган резолюция лойиҳаси АҚШга бўйсунган давлатлар учун Америка давлат департаменти берган циркулярдан бошқа бир нарса эмас.

Руминия делегациясининг бошлиғи Америка қуролли кучларининг Хитой қирғоқларидаги агрессив ҳаракатларини эслатиб ўтиб, бундай деди: Ўз территориясини мудофаа қилаётган давлат қачондан буён агрессор бўлиб қолди, ўз қўшинларини ўз чегараларидан бир неча минг километр нарига юбораётган мамлакат эса қачондан буён «тинчликни ҳимоя қилувчи» бўлиб қолди? Георгиу-Деж сўзини давом эттириб, бундай деди: АҚШнинг Хитой Халқ Республикасига нисбатан тутган позицияси БМТга зарбадир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Американинг малайи чанкайшичилар вакилини ҳайдаб юбориши ва БМТ Хитой халқининг қонуний ҳуқуқларини тиклаши керак.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 7 октябрь. (ТАСС). Бугун БМТ Бош Ассамблеясининг эрталабки ялпи мажлисида умумий дискуссия давом этди. Португалия делегациясининг бошлиғи Воско Виера Гарин биринчи бўлиб узундан-узоқ ва мазмунсиз нутқ сўзлади. Португалия делегати Бош Ассамблеяни ўткир масалаларни қўймасликка даъват этиб, чунки, бу «келишишга эришишга» халақит бериши мумкин, деди. Васко Виера Гарин умумий гаплар билан қуролсизланишнинг зарурлигини тан олди. Португалия делегати Конгодаги аҳвол устида тўхталиб, Хаммаршельднинг Конгода намойиш қилган «донолиги ва қобилиятини» кўкларга кўтариб мақтади.

Сўнгра чанкайшичи нутқ сўзлади.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 8 октябрь. (ТАСС). Кеча эрталабки мажлиснинг охирида Яман вакили Саид Аҳмад Забара нутқ сўзлади. У, қуролсизланиш ҳақида музокараларга йўл очиш учун ҳар иккала томон куч сарфлаши керак, деди. Еппасига қуролсизланишга ҳаракат қилиш керак, деди у, лекин яқин орадаги мақсад кичикроқ бўлиши ва муайян даражадаги контроль бўлгани ҳолда қисман қуролсизланиш билан чекланиши лозим.

Яман вакили Африка мамлакатларини Конгодаги аҳволни стабиллаштириш мақсадида бу мамлакатдаги «низода қатнашаётган томонларга» ўз яхши хизматларини таклиф қилишга чақирди.

Сўнгра, жавоб бериш ҳуқуқидан фойдаланиб, Куба ташқи ишлар министри Рауль Роа нутқ сўзлади. У, Гватемала вакилининг 5 октябрда сўзлаган нутқида, Кубада Гватемалага қарши агрессив акт тайёрланмоқда, деган даъволарининг бўҳтондан иборат эканлигини кўрсатди. Бу айблар, деди Роа, Гватемала ҳукумати томонидан мустақил ўйлаб чиқарилгани йўқ; бу айблари «Юнайтед фрут компани» кўрсатмасига мувофиқ, АҚШ давлат департаменти ўйлаб чиқарди.

Интервенция учун баҳона топиш мақсадида, деб давом этди Роа, Куба ҳукуматини коммунистик ҳукумат тарзида тасвирлашга уринилмоқда. Гватемала территориясида Кубага қарши қаратилган Америка базалари вужудга келтирилмоқда. Гватемаланинг ҳозирги ҳукумати Кубадан қочган кўпгина жиноятчиларни ўз қаноти остига олди ва уларни Кубага бостириб кириш учун уюштирмоқда.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 8 о к т я б р ь. (ТАСС). Бош Ассамблеянинг кечаги кундузги мажлиси Африкадаги янги давлат — Нигерия Федерациясини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо қилиб олишга бағишланди. Нигериянинг қабул қилиниши билан энди Бирлашган Миллатлар Ташкилотида 99 мамлакат бўлди.

Нигерия Федерациясининг БМТ га аъзо қилиб олиниши муносабати билан кўпгина давлатларнинг, асосан Африка, Осиё ва социалистик лагердаги давлатларнинг делегациялари табрик нутқлари сўзладилар. Тунис вакилининг сўзича, Нигерия Африкани стабиллаштириш ва бирлаштиришда кучли омил бўлади.

Гана ташқи ишлар министри таъкидлаб айтдики, Нигериянинг мустақил давлат сифатида пайдо бўлиши «тинч йўл билан» амалга оширилган бўлса ҳам, миллионларча кишилар мустамлакачилик ҳукмронлиги остида ҳалигача жабр чекаётганлигини унутиш ярамайди.

Саудия Арабистонининг делегати ишонч билдириб айтдики, Африкадаги ҳамма ўлкалар мустақилликка эришадилар ва Жозоир Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юзинчи аъзоси бўла олади.

Сессияда қатнашиш учун келган Гвинея президенти Секу Туре ўтган йилдагидек Африка давлатларининг учдан бири эмас, балки учдан икки қисми БМТ аъзоси бўлганлиги муносабати билан қувонганлигини билдирди. Афсуски, деди у, Африкадаги баъзи халқлар ҳали ҳам энг яхши дунёни қуриш соҳасида БМТ ишига ўз ҳиссасини қўшиш имкониятидан маҳрум этилгандир. Гвинея президенти Африканинг ҳамма халқларини тинчликка эришиш учун ишлашга чақирди. Секу Туре БМТ да Хитой Халқ Республикасининг вакиллиги ҳақидаги масала устида тўхталиб ўтди.

Социалистик лагерь мамлакатлари номидан сўзга чиққан Белоруссия делегациясининг бошлиғи К. Т. Мазуров айтдики, социалистик мамлакатлар Нигериянинг асрлар бўйи давом этган мустамлака қуллигидан озод бўлиш учун олиб борган адолатли курашда доимо унинг томонида бўлдилар. Африкада янги мустақил давлатнинг вужудга келиши, деди у, шармандали мустамлака системасининг мавжудлиги тарихан ҳалокатга маҳкум этилганлигини ва кўп жабр чеккан Африка мустамлака қарамлигининг ҳамма формаларидан тўла озод бўладиган кунинг яқинлигини кўрсатадиган яна бир ёрқин далилдир.

К. Т. Мазуров ўз сўзининг охирида социалистик мамлакатларнинг делегациялари номидан умид билдириб айтдики, Нигерия Федерацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ишида қатнашиб, умумий тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссасини қўшади.

Мажлис охирида Нигерия Федерациясининг бош министри Балева Абубакар Тафава жавоб нутқи сўзлади. У, ўз нутқининг катта қисмини Африка проблемаларига ва жумладан Конго проблемасига бағишлади. У, Конгодаги аҳвол билан фақат Африка давлатлари шуғуллана оладилар, деди ва шу муносабат билан Конго Республикасидаги фожиали воқеаларнинг сабабларини пухта ўрганадиган комиссия таъсис этишни таклиф қилди. Бош министр айтдики, унинг мамлакати бирор блокка қўшилиш ниятида эмас ва Африкадаги бирор территорияга ўз ҳоҳишини зўрлаб қабул қиллирмайди ёки таҳдид қилмайди.



Қўйлиқ қишлоғида гўзал турар-жой шаҳарчаси бунёдга келди. Бу ерда «Средазтрансстрой» трести 8- қурилиш участкасининг бинокорлари Тошкент темир йўли ишчилари учун 17 та кўп квартирали уй қуриб бердилар. Суратда: шаҳарчадаги янги турар-жой бинолари.

М. Комлев фотоси.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

«ПАХТАКОР» ПЕШҚАДАМНИ ЮТДИ

«Пахтакор» футболчиларининг ўтган шанба кунги рақиби — «Зенит»ни ютган, Ростов-Донда маҳаллий армия футбол коллективига тўрт тўп уриб, СССР кубогининг ярим финалига чиққан ва ниҳоят группа пешқадами бўлиб келаётган «Шахтер» (Сталино) командаси эди. Шининг учун ҳам футбол ишқибозлари «Пахтакор»нинг бу ўйиндаги муваффақиятига анча шубҳа билан қараган эдилар.

Тошкентликлар асосий состав билан ўйнадилар. Учрашув бошланиши билан ғайрат ва ташаббус майдон эгалари томонида бўлди. 30- минутда ўнг қанотдан қилинган Абдураимов-Стадник комбинацияси гол билан якунланди. Танаффусдан кейин меҳмонлар ўйинида бурилиш ясалди. Уларнинг кетма-кет қилган ҳужумлари жуда ҳавфли бўлди. Лекин иккинчи тўп ҳам меҳмонлар дарвозасига кирди: 60-минутда Тазетдинов қулай вазиятда турган Беляковга тўпни ошириб берди. Беляков уни зарб билан тепиб киритди.

«Пахтакор»нинг галабасига команда дарвозабони Климов, ҳимоячи Моторин ва ҳужумчи Абдурамовлар катта ҳисса қўшишди. Ўзбек футболчилари навбатдаги ўйинни 14 октябрда Ленинградда ўтказадилар.

С. МУСАЕВ.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

«Спартак» жамиятининг спорт базасида республика «Буревестник» жамияти биринчилиги учун енгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақа уч кун давом этди. Мусобақада республикамизнинг областларидан келган 16 команда қатнашди. Улар 300 спортчи студентдан ташкил топган эди.

Биринчи группада Тошкент физкультура институтининг биринчи командаси олдинги ўринни эгаллади. Тошкент давлат педагогика институти командаси иккинчи, Фарғона давлат педагогика институти спортчилари учинчи ўринни олди.

Б. ПУЛАТОВ.

РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

ОДО паркининг баскетбол майдончасида республика биринчилиги учун ўтказилган мусобақа тамом бўлди. Бунда 19 команда қатнашди. Хотин-қизлар ўртасида биринчи, иккинчи ўрин учун бўлган финал мусобақада СКА (Тошкент) ва «Меҳнат» (Тошкент) командалари учрашди. Бунда меҳнатчилар 64:27 ҳисобида ғолиб чиқдилар. СКА (Тошкент) эрлар командаси эса «Буревестник» (Фарғона) баскетболчиларини 59:37 ҳисоби билан мағлубиятга учратди.

Мусобақа натижалари якунланиб, СКА эрлар командасига республика чемпиони номи берилди.

А. КИМ.

ОСИЁ ВА АФРИКА ХАЛҚЛАРИ БИРДАМЛИГИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛДИ

СТАЛИНОБОД, 10 о к т я б р ь. (ТАСС). Бугун Сталинободда Лоҳутий номидаги Тожикистон академик драма театри залида Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги биринчи совет конференцияси очилди.

Конференцияда Ўрта Осиё ва Закавказьедаги барча иттифоқчи республикалар, Қозоғистон, Россия Федерацияси автоном республикалари, Москва, Ленинграддан келган делегатлар иштирок қилмоқда. Улар орасида колхозчилар, ишчилар, олимлар, маданият арбоблари бор. Осиё ва Африка мамлакатларидан келган меҳмонлар ҳам қатнашмоқда.

Конференция Осиё ва Африка халқларининг мустамлакачилик ва империализмга қарши озодлик кураши проблемаларини муҳокама қилади.

Бахтиёр ёшлик

Суратда: тушки овқат пайти.

Болалар боқчасининг салқин ва кўркам ҳовлисига кириб борганда ажойиб бир манзара бизни ўзига тортди. Ўн чоғлиқ жажжи ўғил-қиз гулзор атрофида давра қуришган. Улар тарбиячи раҳбарлигида янги ўйинни ўрганишарди.

Ҳовлининг тўрига қўйилган скамейкаларни эса яна бир группа болалар тўлдириб ўтиришибди. Тарбиячи Д. Расуловнинг сўзлаб бераётган эртаги жуда қизиқ экан шекилли, болалар уни завқ билан тинглашарди.

Шу пайт гулзор бўйлаб ўйноқи куй янгради. Ўртада эса жажжи қизча рақсга тушарди.

— Қувноқларимиз музикани жуда севишади, — дейди тарбиячи С. Комилова. — Улар рақсга тушишга ҳам уста. Мана, ҳозир ўйинга тушган Дилдор «Лола», «Қўғирчоқ» деган ашулаларни бирам яхши айтади.

— Қани, Дилдор, «Лола» қўшиғини айтақол.

Дилдор жарангли овоз билан бу ашулани айтиб берди.

Сал ўтмай, болаларни тушки овқатга чақириб қолишди...

— Болалар зерикишни билишмайди, — деди боқча мудири М. Рустамова. — Кун тартибига риоя қиламиз.

Октябрь районидаги Сағбон кўчасида жойлашган 169-боладар боқчасида чиндан ҳам ҳар куни бахтиёр ёшлик ҳукмрон. Фарзандлари шу болалар боқчасида тарбияланаётган ота-оналарнинг боқча коллективига билдираётган миннатдорчилиги чексиз...

А. АЛИЕВ.

Транспорт ҳаракати хавфсизлиги ойлиги

Транспортчиларимиз отряди йўловчиларга мадний хизмат кўрсатиб, етти йиллик юкларини белгиланган жойга ўз вақтида етказиб, катта ва шарафли вазифани бажармоқдалар. Аммо улар камчиликдан ҳам ҳоли эмаслар. Айрим транспортчилар ўз вазифаларига бепарво қараб, ҳаракат хавфсизлигини таъминламайдилар. Транспорт ҳаракатидаги кўнгилсиз ҳодисаларнинг деярли ярми транспорт ҳайдовчилари томонидан, кўча ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслик ва рулда ўтирганда енгилтаклик қилиш орқасида рўй беради. Иккинчи томондан, ҳаракат хавфсизлиги йўловчиларга ҳам боғлиқ.

Транспорт ҳайдовчилари ўртасида интизомни мустаҳкамлаш ва аҳолининг кенг табақаси орасида кўча ҳаракати қоидаларини пропаганда қилиш мақсадида Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар Советининг ижроия комитети октябрда ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ўтказишга қарор қилдилар.

Шаҳар автоинспекциясининг бошлиғи ўртоқ В. Ильичев ана шу ойлик тўғрисида мухбиримизга қуйидагиларни айтди:

— Ҳаракат хавфсизлиги ойлигини ўтказиш шаҳарда транспорт ҳаракатини тартибга солиш ва ҳар қандай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Яқиндагина ҳамма автомобиль хўжаликлари, трамвай-троллейбус парклари ҳайдовчи ва инженер-техник ходимларнинг йиғилишлари ўтказилди. Бу йиғилишларда техника жиҳатидан камчиликлари бўлган машина ёки трамвайни йўлга чиқармаслик тўғрисида мажбурият қабул қилинди.

Шуни унутмаслик керакки, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш хайдовчигагина боғлиқ эмас. Баъзи ўринларда пиёда юрувчилар ва пассажирларнинг ўзлари кўнгилсиз ҳодисага сабабчи бўладилар. Ҳар бир киши ўз ҳаётини хавф остида қолдирмаслиги учун доим транспорт ҳаракатини кузатиши керак. Фақат тротуардан юриш ва кўчаларни чорраҳадагина кесиб ўтиш пиёда юрувчи учун асосий қоида бўлиши керак. Тўхтаб турган автобус ёки троллейбуснинг фақат орқасидан, трамвайнинг эса олдидан айланиб ўтиш керак.

Шаҳримизнинг ҳар бир граждани кўчанинг серқатнов ерида ўйнаётган бола олдидан индамай ўтиб кетмаслиги лозим. Мактаб ўқитувчилари, оиладаги катталар ҳар доим ўғил-қизларга кўча ҳаракати қоидаларини тушунтиришлари зарур.

Тошкентда ўтказиладиган ҳаракат хавфсизлиги ойлиги шаҳар транспортида интизомни янада яхши йўлга қўйишда, ҳамма турдаги транспортларнинг авариясиз, аниқ ишлашини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб ишонамиз.

Телевизор экранида

11 ОКТЯБРДА

19.00. «Пионер икки йиллиги». Ўқувчилар учун ўзбек тилида эшиттириш.

19.25. Сўнгги ахборот.

19.45. Саноат ходимлари учун эшиттириш. «Чирчиқ меҳнат вахтасида».

20.05. Бадиий фильм — «Биринчи синов» (1-серияси).

21.35. Ўзбек опералари ва музикали драмаларидан ариялар.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша заларида

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/X да **Трубадур**, 12/X да **Шаҳризода, Штраусиана, Болеро.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/X да **Имон**, 12/X да **Фурқат.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 12/X кеч соат 8 яримда ўзбек ашула, рақс ва музика кечаси. Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Гулом Абдурахмонов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Қундуз Миркаримова, Эргаш Шукруллаев, Берта Давидова, Карим Алиев** ва бошқалар қатнашади. Билетлар кундуз соат 12 дан сотилади.

Оддий воқеа — «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), ПУШКИН номли (кеч соат 7 ярим ва 9-20 минутда), «УДАРНИК» (кеч 7-40 минутда), КАФАНОВ номли (кеч 8-15 минутда).

Қочқин қиссаси — «ВАТАН» (кеч соат 10-20 минут, кундуз 12 ва 2 да), «МИР» (кечқурун), қишки НАВОИЙ номли, «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), ёзги «ВАТАН» (кеч 7-40 минут ва 9 яримда), ёзги НАВОИЙ номли (кеч 7-40 минутда).

Таманго — қишки «ВАТАН» (кундуз соат 4, кеч 6, 8 ва 10 да), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 8 ярим ва 10 яримда).

Рим каникуллари — қишки НАВОИЙ номли (кеч соат 6-50 минутда), ёзги НАВОИЙ номли (кеч 9 яримда).

Таврия — «МИР» (кундуз), ФРУНЗЕ номли (кеч соат 7-40 минут ва 9 яримда).

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА

1961 йил учун обуна қилинмоқда

Газеталар: «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», «Ўзбекистони сурх», «Ленин байроғи», «Ёш ленинчи», «Комсомолец Узбекистана», «Ленин учқуни», «Пионер Востока», «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда», «Ўзбекистон маданияти».

Журналлар: «Ўзбекистон коммунисти», «Коммунист Узбекистана», «Партия турмуши», «Партийная жизнь», «Агитатор блокноти», «Блокнот агитатора», «Ўзбекистон», «Ўзбекистон хотин-қизлари», «Муштум», «Маҳаллий матбуот ходимларига ёрдам», «В помощ работникам местной печати», «Гулхан», «Ғунча», «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Фан ҳақида суҳбатлар», «Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон жамиятларининг лекцилари», рангли плакатлар сериясы, плакт-виставка «Ислом ва унинг синфий моҳияти».

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, алоқа бўлимлари ва конторларида, корхоналардаги ва бошқа муассасалардаги жамоатчи вакиллар томонидан, шунингдек шаҳар ва қишлоқ почтальонлари томонидан истаган миқдорда қабул қилинади.

Бирлашган нашриёт. «Союзпечать» Республика бўлими.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

12 октябрда

катта цирк тамошалари

Артист ака-ука

ШИРМАНЛАР

қатнашади.

Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИГА

малакали шишасоз ва кассир-иннассатор

КЕРАК

К. Маркс кўчаси, 32-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Энгельс кўчаси, 59-уйда турувчи **Алла Александровна Бичковнинг** Гоголь кўчаси, 89-уйда турувчи Игорь Сергеевич Бичковдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ:

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140 Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими. Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими—29040, 50. Секретариат—34808, 115, Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 06241. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А. 1891.